

ISSN 2181-9521

№ 4-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ УНИВЕРСАЛ ПРИНЦИПЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



2021 йил 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг жорий йил 21 февраль куни бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги маърузасида илгари сурилган асосий ғоялар ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Судьялар олий кенгаши раиси Х.Ёдгоров кириш сўзи билан очиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: *“Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакат тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси мақомига эга бўлди. Қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг нуфузли экспертлари, кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашган мазкур Кенгашнинг юксак даражадаги сессиясида Давлатимиз раҳбари томонидан Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш ҳақидаги ташаббус илгари сурилди. Сессияда қувватланган ана шу ғоянинг амалга оширилишида Судьялар олий кенгаши ташаббускор бўлиши лозим деб биламан. Шу мақсадда Кенгаш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муайян чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, уни босқичма-босқич амалга оширмоқда”.*

Тадбирда иштирок этган Судьялар олий кенгаши судьялари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар, тажрибали экспертлар Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқишда мамлакатимизда сўнгги йилларда вужудга келган миллий амалиёт, бу борада амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва халқаро тажрибани қиёсий тарзда ўрганиб чиқиш лозимлигига эътибор қаратишди.



Алишер ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари:



– Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги маърузаси дунё ҳамжамиятида жуда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, унда бугун долзарб аҳамият касб этаётган инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Мана шундай ташаббуслардан бири бу – Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласидир.

Мазкур ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши нафақат мамлакатимиз суд тизими, балки халқаро ҳамжамият суд органлари фаолиятининг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтгача дунё тажрибасида Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принциплари ишлаб чиқилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш бизга жуда катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кароматжон ДАВЛЕТОВА, Олий суд судьяси:

– Тадбирда иштирок этган мутахассислар томонидан эътироф этилганидек, бугунги кунда Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларига оид халқаро ҳужжат мавжуд эмаслиги учун ҳам жаҳон давлатлари суд-ҳуқуқ тизимида турлича номланадиган судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш зарурати тақозо этадиган умумийлик кузатилмайди. Ушбу долзарб муаммони бартараф этиш ташаббуси Президентимиз томонидан илгари сурилганлиги ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоялашга энг устувор масалалардан бири сифатида қаралаётганлигининг далолатидир.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ташкил этилган Судьялар олий кенгаши фаолиятида тўпланган тажрибани ҳам инобатга олиш лозим, деб ҳисоблайман. Сабаби, сўнгги йилларда бу борада эътиборга молик миллий амалиёт вужудга келди.

Фазлиддин ХИДИРОВ, фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди судьяси:

– Ниҳоятда муҳим масала, яъни Судьялар кенгашларининг умумий принциплари ишлаб чиқилишига бағишланган давра суҳбатида мен масофадан туриб онлайн иштирок этдим.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши биринчидан, суд органлари фаолиятининг мустақиллиги кафолатланишига, судьялар фақат қонунларга бўйсунган ҳолда ҳолис, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз суд ҳужжатларини чиқаришга кўмаклашади. Бунда суд идоралари бошқа давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг судьялар ишига ғайриқонуний аралашувнинг олди олинади.

Иккинчидан, судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнида умумэътироф этилган демократик принциплар асосида янгича ёндашувлар вужудга келишига замин яратади.

Учинчидан, судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши тегишли тарзда янада мустаҳкамланишига олиб келади.



Муҳаммад ҚАЮМОВ, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман судининг судьяси:



Жаҳонда судьялар кенгашлари учун ягона халқаро стандартлар мавжуд эмас. Суд тизимининг ҳар қандай бошқарув органи аниқ тарихий, маданий ва ижтимоий илдишларга эга бўлган ҳуқуқий тизимда пайдо бўлади. Бошқарув органларининг ўзига хос вазифаси ҳар бир мамлакатда турлича. Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачи маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликларда судьялар кенгашлари сони сезиларли даражада ошгани ва бугунги кунда дунё мамлакатларининг 70 % дан ортигида судьялар кенгашлари у ёки бу шаклда мавжуд. Дунёнинг турли минтақаларида судьялар кенгашлари сони ортиб бораётганига қарамай, судьялар кенгашларининг аҳамияти, таркиби ва функцияларига оид халқаро даражада ягона халқаро-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларида судьялар кенгашларига оид махсус қоидалар мавжуд эмас. Судьялар кенгашларининг ташкил этилиши, аъзолари таркиби ва ролига оид минимал стандартларни ишлаб чиқиш бўйича энг изчил саъй-ҳаракатлар Европа Кенгаши шафелигида амалга оширилган.

Тадбирда билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, ҳужжатни ишлаб чиқишда эътиборга олинадиган бўлди.

Навбахор ТУРСУНОВА,
Жомбой туманлараро иқтисодий суди раиси

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.04.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 1720
Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

**СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ**

9

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**СУДЬЯЛИК НОМЗОДЛАРИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

ТАДҚИҚОТ

11

**ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

15

ЖАРАЁН

**СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ
ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ**

СУДЬЯ МИНБАРИ

16

**НИКОҲГА ОИД НИЗОЛАРНИ
СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМ**

18

ТАЛҚИН

**ЧЕТ ЭЛ МУАЛЛИФЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИ-
ЛИГИМИЗДАГИ ШАРТНОМАВИЙ АСОСЛАРИ
ВА ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАРИ**

МУЛОҲАЗА

21

**МАЪМУРИЙ СУДЛОВГА ОИД
ТУШУНЧАЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНГАНМИ?**

24

МУҲИМ МАВЗУ

**ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ РОЛИ**

ИБРАТ

27

ВИЖДОННИНГ БАҲОСИ

28

ЯНГИ БОСҚИЧ

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ – ЖИНОЯТ
ПРОЦЕССИДА МУҲИМ ТАМОЙИЛ

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

30

РАҚАМЛИ РЕАЛЛИК ШАРОИТИДА
ИЖТИМОЙ САРМОЯ ФАОЛИЯТИНИ
РАФБАТЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

32

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲ
АДВОКАТИНИ РАД ЭТИШ
МУМКИНМИ?

ТАҲЛИЛ

35

ОИЛА АЪЗОЛАРИ УЙ-ЖОЙ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

37

МУТАХАССИС ФИКРИ

ЭКСПЕРТИЗА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

38

АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД
АМАЛИЁТИДА ТОВАР БЕЛГИСИГА
НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ
МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

42

ЭЪТИРОФ

ҚАЛБИ ЯХШИЛИККА ТЎЛА ИНСОН

43

МЕНИНГ ФИКРИМ

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР:
МОҲИЯТ, ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

44

ТАДБИРКОРНИНГ “СНОС”
ҚИЛИНГАН МУЛКИ БЎЙИЧА
ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

46

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ СУРИШ-
ТИРУВ ОРГАНИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТИ-
НИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ДАВР КЎЗГУСИ

48

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

50

ВАЖНАЯ ТЕМА

РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВА-
НИЯ ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР

ПРОЦЕСС

54

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СУДЕБНОЙ
СИСТЕМЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

56

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВА-
НИЕ КОМПЕНСАЦИИ ВРЕДА ПОТРЕБИТЕЛЮ ПО ЗАКОНО-
ДАТЕЛЬСТВУ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

IMPORTANT TOPIC

61

INTERNATIONAL LEGAL ASPECTS
OF THE USE OF TRANSBOUNDARY
WATERS IN CENTRAL ASIA



Одил СУЛАЙМОНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бўлим
бошлиғи, юридик фанлар
доктори

СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Судьялар кенгашлари ўзларининг суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатлаш функциясидан ташқари одил судлов самарадорлиги ва сифатини ошириш, ҳамда одил судловни амалга ошириш тизимидан оқилона фойдаланиш, суд тизимини бошқариш ва бюджет масалаларини ҳал қилиш каби кенг ваколатларга эга бўлмоқдалар.

Судьялар кенгашларига тааллуқли халқаро стандартлар турли халқаро ҳужжатларда қисман ўз аксини топган. Уларнинг энг муҳимлари Европа кенгашининг судьялар бўйича тавсиялари: мустақиллик, самарадорлик ва жавобгарлик, ЕХХТ/ДИХБнинг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича Киев тавсиялари, (Киев тавсиялари), Европа Кенгашининг ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссиясининг (Венеция комиссияси) суд тизимининг мустақиллиги тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек, Европа судьялари маслаҳат кенгашининг 1-сонли хулосасидаги тавсиялари ва яна кўплаб бошқа тавсиялар шулар жумласидандир.

Халқаро стандартларга мувофиқ судьяларни танловчи ва тайинловчи суд органлар (Судьялар Кенгашлари) ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши лозим. Судьяларнинг мақоми тўғрисидаги Европа Хартиясининг 1.3-тамойили “судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, мартабасини ошириш ва ваколатларини тугатиш билан боғлиқ” ҳар қандай қарорни “ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил” бўлган орган томонидан қабул қилиниши кераклигини назарда тутди¹. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси судьяларни танлаш бўйича мустақил орган ташкил этилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган (27- банд)².

Аъзо давлатларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи Венеция комиссияси, “сиёсий нуқтаи назардан бетараф бўлган Олий одил судлов Кенгашини ёки ҳуқуқий тизим доирасида шунга ўхшаш Конституциявий органни — асосий демократик принципларни ҳимоя қилишга қаратилган самарали восита сифатида ташкил қилиш муҳимлигини таъкидлаган. Булар жумласига суд ҳокимиятининг эркинлиги ва мустақиллиги, суд ҳокимиятининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги вазифаси, шунингдек, суд тизимининг демократик тизимдаги роли киради. Ушбу орган давлатда ҳокимиятлар бўлиниши таомилининг аниқ тасдиғи ва намоён бўлиши сифатида аҳамиятли ва ҳақиқий эркинлик ва мустақилликка эга бўлиши лозим” (5-банд)³.

Бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар бундай орган аъзоларининг асосий қисмини ташкил қилишлари лозим. Чунки, Европа Кенгаши вазирлар Қўмитасининг № (2010) 12-сонли Тавсиясида айтилишича, аъзоларнинг камида ярми судьялардан ташкил топиши керак (27-банд)⁴. Худди шунга ўхшаш қоида судьяларнинг мақоми тўғрисидаги Европа хартиясининг 1.3-тамойилида “Аъзоларнинг камида ярми бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялардан ташкил этиши керак”⁵ деб қайд қилинган.

Европа Кенгаши вазирлар Қўмитасининг 2010 йил 12-сонли Тавсияси 46- ва 47- бандларида “судьяларни сайлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича қарор қабул қилувчи орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган⁶. Унинг мустақиллигини кафолатлаш учун, аъзоларининг камида ярми бошқа судьялар томонидан сайланадиган судьялар бўлиши лозим. Шунга қарамай, агар конституция ёки қонуннинг бошқа қоидалари судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор давлат раҳбари, ҳукумат ёки қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинишини кўзда тутадиган бўлса, асосан суд органлари вакилларидан иборат мустақил ва ваколатли орган тайинловчи орган томонидан амалда риоя қилиниши керак бўлган тавсия ва хулосалар бериш ваколатига эга бўлиши керак” лиги қайд қилинган.

Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус маърузачи ўз маърузасининг 28-бандида таъкидлашича, аъзоларнинг кўпчилигини айнан судьялар ташкил этиши талаб қилинишининг мақсади шундан иборатки, “агар орган асосан сиёсий кучлар вакилларидан иборат бўлса, ушбу “мустақил органлар” фақат расмиятчиликка ёки ҳуқуқий клонларга айланб қолиши ва орқасида ҳукумат билвосита ўз таъсирини ўтказиш хавфи пайдо бўлади”⁷ деб таъкидлайди.

Худди шундай тарзда, “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа Хартиясининг тушунтириш меморандумида “партиявий ва сиёсий тарафқашлик хавфидан” сақланиш учун “мустақил органнинг аъзолари бўлган судьялар бошқа судьялар томонидан сайланиши кераклигини назарда тутди, чунки ушбу органнинг за-

мур мустақиллиги, унинг аъзоларини ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга тегишли бўлган сиёсий орган томонидан сайлаш ёки тайинлаш имкониятини чеклайди”⁸ деб кўрсатилган.

Венеция комиссиясининг “Судьяларни тайинлаш тўғрисида”ги хулосасининг 48-бандида “судьялар мустақиллигини таъминлашнинг тўғри усули бу суд таркиби, ваколатлари ва мустақиллиги конституциявий кафолатлар билан ҳимоя қилиниши керак бўлган суд кенгашини яратишдир”, ҳамда 49-бандда “бундай Кенгаш судьяларни тайинлаш ва лавозимларини кўтаришда ва уларга нисбатан интизомий иш юриштида ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши керак”⁹ деган фикрга келган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор органлар судьяларни тайинлаш жараёнида ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг асосиз иштирок этишидан хавотир билдирадилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита ва бошқа органлар судьяларни тайинлаш ва лавозимларини кўтаришни ҳамда суд тизимини бошқаришни таъминлайдиган мустақил орган тузишни тавсия қилади.

Суд бошқаруви ва танлаб олиш тартиб-қоидаларига тегишли асосий тамойиллар ЕХҲТ/ДИХБнинг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича Киев тавсияларининг 1, 2 ва 8-бандларида белгиланган. Киев тавсияларининг 2-бандига асосан умумий суд бошқаруви соҳасида бажарилиши керак бўлган турли вазифалар суд бошқаруви доирасида ваколатларнинг бўлиниши тамойилини ўрнатган ҳолда битта органнинг “қўлида” жамланмаслиги керак¹⁰лиги белгиланган.

Киев тавсияларининг 1-бандида суд бошқарувидан ҳеч қачон суд қарорларини қабул қилиш жараёнига босим ўтказишда фойдаланилмаслиги ва суд бошқаруви шаффоф бўлиши лозимлиги муҳим принцип сифатида белгиланган¹¹.

Судьяларни танлаш масаласи билан боғлиқ бўлган Киев тавсияларининг 8-бандида судьяларни танлаш бўйича қарор қабул қиладиган органларнинг таркиби “сиёсий қарашлар судьялик лавозимида номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслигини”¹² кафолатлаши лозимлиги белгиланган.

Киев тавсияларининг 7-бандига мувофиқ судьялар суд кенгаши аъзоларининг ядросини ташкил қилиши керак, лекин аъзо судьялар орасида юқори ва апелляция инстанциялари судларида судьяларнинг устунлиги олдини олиш кераклиги¹³ белгиланган. Худди шу тавсияда юридик касбнинг бошқа вакиллари, масалан, олий таълим муассасаларининг ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари ва адвокатура ходимлари суд кенгашига киритилиши лозим, чунки бу ошкоралик ва кенг вакилликка имконият туғдиради. Шу мақсадда, баъзи юрисдикцияларда суд кенгаши таркибига фуқаролик жамияти вакиллари киритилган.

Суд кенгаши таркибига кирмаслиги керак бўлган вакилларга келсак, Киев тавсиясида прокурорлар (агар улар шу суд корпусининг аъзолари бўлмаса),

ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари, уларнинг таркибига кирмаслиги айтиб ўтилган.

Ва ниҳоят, ушбу Киев тавсияси ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари суд кенгашининг ишига устувор таъсир кўрсатмаслиги ҳам кўрсатилган.

Мисол учун, Норвегияда судьяларни танлаш ва тайинлаш учун масъул бўлган махсус комиссия — судьяларни тайинлаш бўйича Судьялар кенгаши тузилган. Ушбу орган суд бошқарувининг бошқа органларидан, хусусан, давлат судларининг бошқарувидан мустақил бўлиб, нафақат профессионал ҳуқуқшунослардан, балки ошкораликни ошириш, жамоат олдида кенгроқ назоратни амалга ошириш ва “эски дўстлар” ҳомийлигидан сақланиш мақсадида иккита ҳуқуқшунос бўлмаган аъзога ҳам эга.

Киев тавсияларининг 8-бандида таъкидланишича, Судьялар кенгаши аъзоларининг судьялари ҳамкасблари томонидан сайланиши керак. Бундай коллегиял сайлов механизмига мисол сифатида яқинда Грузияда жорий этилган тартибни келтириш мумкин. Қонунчилик аъзо судьялар мустақил орган мақомига эга бўлган — суд конференцияси томонидан судьяларнинг ўзлари томонидан киритилган таклифлар асосида сайланишини талаб қилади. Шу кунга қадар фақатгина Олий суднинг раиси Судьялар кенгаши аъзолигига судьяликка номзодларни таклиф қилиш ваколатига эга эди.

Ҳуқуқшунослик касби вакиллари, илмий ходимлар ва ҳатто фуқаролик жамияти вакиллари каби суд кенгашининг бошқа аъзоларига келсак, Киев тавсияларида уларни сайлаш механизми бўйича махсус тавсиялар мавжуд эмас. Бироқ, уни яратишда қандай механизм иштирок этмасин, сиёсий қарашлар, қарорлар қабул қилиш ёки судьяларни танлаш жараёнида ноўрин таъсир кўрсатмаслигини кафолатлаши лозим.

Битта давлат органида ҳокимиятнинг марказлашувининг олдини олиш учун суд кенгаши Киев тавсияларининг 3- ва 4-бандларига мувофиқ номзодлар учун ёзма ва оғзаки имтиҳонларни ўтказиш мақсадида алоҳида эксперт идорасини ташкил қилиши керак, ёки муқобил сифатида, бу вазифа, бошқа вазифалар қаторида, мавжуд бўлган малака комиссиясига топширилиши мумкин. Бундай ҳолда, малака комиссияси номзодларни текшириш ва танлашни амалга оширадиган асосий орган бўлади, суд кенгашининг вазифаси эса тегишли тартибларга риоя қилинишини ва фақат танланган номзодларни тайинлашдан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари, Киев тавсияларининг 4-бандида малака комиссиясининг мустақил ишлаши ва унинг ижро этувчи ҳокимият томонидан назоратдан озод бўлиши муҳимлиги таъкидланган.

Ушбу органнинг аъзоларига келсак, Киев тавсияларининг 8-банди бу ерда ҳам қўлланилади, бу нафақат судьялардан, балки ҳуқуқшунослик касбининг бошқа вакилларида, шу жумладан олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари ва адвокатлардан иборат бўлиши кераклигини англатади. Бундан ташқари, тавсияларда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, судьяларни танлаш бўйича қарор қабул

қиладиган органларнинг таркиби “сиёсий қарашлар судьялик лавозимига номзодларнинг касбий маҳоратидан устун келмаслигини” кафолатлаши лозимлиги белгиланган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга “Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принциплари” ишлаб чиқиши лозимлигини таклиф этди. Унда Судьялар кенгашлари фаолиятини тартибга соладиган муҳим универсал принциплар акс эттирилиши керак. Халқаро ҳуқуқда суд ҳокимияти мустақиллигига оид қуйидаги ҳужжатларда тамойиллар мустақамланган:

— 1985 йил БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 7-Конгресси “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”ни¹⁴ қабул қилган ва Бош Ассамблея томонидан маъқулланган. Ушбу принциплар БМТга аъзо давлатлар томонидан бу масалада умум эълон қилинган фикр сифатида тавсифланади ва бу тамойиллар халқаро назорат органлари ва халқаро ноҳуқумат ташкилотлар томонидан судьялар мустақиллигини баҳолашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Ушбу тамойиллар қуйидаги масалаларга бағишланган: - суд органлари мустақиллиги;

— сўз ва уюшми эркинлиги;

— малака, танлов ва тайёрлов;

— хизмат шароитлари ва ваколатлар муддати;

— касбий сир ва иммунитет;

— жазолаш, лавозимдан четлаштириш ва ишдан бўшатил¹⁵;

— БМТ судьяларнинг одоб-ахлоқи ва юриштиришининг юксак стандартларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлат суд органларининг бевосита мажбурияти эканлигини инобатга олиб “Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”ни¹⁶ (Бангалор принциплари) ишлаб чиққан. Унда олти асосий принцип қайд этилган бўлиб, улар қуйидагилар: мустақиллик; ҳолислик; ҳалоллик ва поклик; одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиш; тенглик; компетентлик ва интилувчанлик¹⁷.

Хулоса

Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқиш таклиф этилаётган Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини барча давлатларга, айниқса, судьялар кенгашлари ҳали тузилмаган давлатлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади. Бу каби стандартлар нафақат аъзо давлатлар, балки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти, шунингдек судьялар ва уларнинг уюшмаларини ўз ичига олган очик ва ошқора жараён орқали ишлаб чиқиши лозим. Ушбу принципларни ишлаб чиқишда судьялар кенгашларига тегишли мавжуд халқаро стандартлар ҳамда халқаро

ва минтақавий органлар тавсияларини инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Судьялар кенгашлари судьяларни танлаш, лавозимда кўтарилиши, касбий тайёрлиги, профессионал фаолиятини баҳолаш ва интизомий чоралар қўллаш каби кенг ваколатларга эга бўлиши керак. Судьялар кенгашларига суд тизимини бошқариш, бюджет ресурсларини турли судларга ажратиш билан боғлиқ вазифалар юкланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года // <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.
2. Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development. <https://undocs.org/en/A/HRC/11/41>.
3. Opinion on recent amendments to the law on major constitutional provisions of the Republic of Albania. [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-INF\(1998\)009-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-INF(1998)009-e).
4. Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities. https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectId=09000016805afb78.
5. Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года // <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.
6. Recommendation CM/Rec(2010)12 of the Committee of Ministers to member states on judges: independence, efficiency and responsibilities. https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectId=09000016805afb78.
7. Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development. <https://undocs.org/en/A/HRC/11/41>.
8. Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 года // <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.
9. Назначение судей, доклад, принятый Венецианской комиссией на 70-й Пленарной сессии (Венеция, 16–17 марта 2007 г.). <https://www.venice.coe.int/webforms/documents>.
10. Киевские Рекомендации ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.
11. Киевские Рекомендации ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.
12. Киевские Рекомендации ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.
13. Киевские Рекомендации ОБСЕ/БДИПЧ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>.
14. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. -Тошкент: “Адолат”, 2004. -Б.109-113.
15. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. -Тошкент: “Адолат”, 2004. -Б.109-113.
16. Бангалорские принципы поведения судей. Гаага, 26 ноября 2002 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml
17. Бангалорские принципы поведения судей. Гаага, 26 ноября 2002 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml



Қосим АВЕЗОВ,

Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)



Савара БЕГМАТОВА

Тошкент вилоят суди судья катта ёрдамчиси

СУДЬЯЛИК НОМЗОДЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, судьялик лавозимига номзодлар учун қўйиладиган талаблар умумий хусусият касб этган ҳолда деярли бир-биридан фарқ қилмайди, аксинча бир бирини такрорлаш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Қуйида биз бир қатор ривожланган давлатлар АҚШ, Англия, Германия давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси мисолида судьялик номзодларига нисбатан қўйиладиган талабларни қиёсий таҳлил қилиб қўрамиз.

➔ **Фуқаролик.** Фуқаролик ҳам юридик, ҳам фактик жиҳатдан норматив хусусиятга эга. Мазкур талаб “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига судьялик лавозимига тайинланиши мумкинлиги белгиланган. АҚШда ушбу норма қонуний жиҳатдан мустаҳкамланмаган, бироқ анъанавий равишда муайян АҚШ штатида яшовчи фуқаро судьялик лавозимига тайинланади. Германия Федератив Республикаси (бундан буён матнда Германия деб юритилади)да ҳам судьялик лавозимига нисбатан фуқаролик одат ва анъаналарга асосланади.

➔ **Ёш цензи.** Қонуннинг 61-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзод ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги лозимлиги белгиланган. АҚШда ушбу талаб судьяликка номзодлар учун эмас, балки ҳакамлик ҳайъати аъзолари учун – 18 ёш деб белгиланган¹. Англияда судьялик лавозимига биринчи марта тайинланаётган номзодларга нисбатан белгиланган энг кам ёш – 40 ёшга тенг. Бироқ амалиётда асосан 50 ёшга кирган номзодларгина судья бўлишини кўриш мумкин². Германия олий федерал судларида судьялик лавозимига номзодларга ёш бўйича талаб 35 ёш этиб белгиланган³.

➔ **Олий юридик маълумотнинг мавжудлиги.** Ҳуқуқий нуқтаи назардан тўғри ва одилона қарор қабул қилиш учун ҳам юриспруденция соҳасида етарли билим ва профессионал маҳоратга эга бўлиш асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ушбу меъёр Қонуннинг 61-моддасида ўз аксини топган бўлиб, олий юридик маълумотга эга бўлиш номзодларга қўйиладиган асосий талаблардан бири этиб белгиланган. Германияда ушбу мезон “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Федерал Қонунда мустаҳкамланган бўлиб, нафақат олий маълумот, балки тегишли давлат имтиҳонини топшириш

талаби ҳам кўзда тутилган⁴. Англияда юридик маълумотнинг мавжудлиги судьялик лавозимига номзодларни танлашдаги муҳим мезонлардан бири ҳисобланади⁵. АҚШда ушбу талаб “Буюк эрк хартия”да мустаҳкамланган⁶.

➔ **Ҳуқуқ соҳасида иш тажрибасига эга бўлиш.** Ҳуқуқ соҳасида иш тажрибасига эга бўлиш мезони ҳам турли давлатларда турлича муддатларда белгиланган. Ўзбекистонда ушбу талаб биринчи марта судьялик лавозимига тайинланаётган судьяларга нисбатан юридик ихтисослиги бўйича, авваломбор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат амалиётига эга бўлиши, Қорақолпоғистон Республикаси суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьясига нисбатан эса, юридик ихтисослиги бўйича етти йиллик, шу жумладан судья сифатида камида икки йиллик меҳнат амалиётига эга бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси юридик ихтисослиги бўйича камида ўн йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья сифатида камида беш йиллик меҳнат амалиётига эга бўлишига оид қатъий меъёр сифатида белгилаб қўйилган.

Англияда судья мақомини, турли судларда судья лавозимини эгаллашга нисбатан қўйиладиган талаблар, судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ягона норматив ҳужжат мавжуд эмас. Судьялик лавозимига тайинлашда судья лавозими пайдо бўлган даврдаги, яъни Қироллик ҳокимияти томонидан судьяларни тайинлаш қоидалари амал қилган дастлабки манбаларга таянилади ва ушбу тартиб-қоида ҳозирги кунга қадар сақланиб келинмоқда. Англияда муайян суднинг судьяси лавозимига профессионал тажрибага эга бўлган шахслар Судьяларни тайинлаш комиссияси (Judicial Appointments Commission)нинг тавсиясига асосан адлия вазирини томонидан тайинланади⁷. Олий суд судьяси лавозимига номзодлар юқори суд инстанцияларида судья лавозимлари



да (айнан Англия ва Уэлс ёки Шимолий Ирландия Олий суди, Англия ва Уэлс ёки Шимолий Ирландия апелляция судларида ёки Сессиявий судларда) икки йилдан кам бўлмаган муддатдаги меҳнат фаолиятига эга бўлган номзодлар ёки ҳуқуқшунос сифатида амалиётда юқори тажрибага эга бўлган ҳамда ўн беш йилдан кам бўлмаган муддатда Англия ва Уэлс юқори судларида солиситор, Англия ва Уэлс судларида барристер лавозимида фаолият олиб борган номзодлар орасидан тайинланади. Қуйи турувчи судлар учун эса етти йиллик умумий амалиётга эга бўлиш талаб қилинади⁸.

➔ **Судьялик лавозимига тайинланишнинг чегаравий ёши (муддати).** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари учун судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни, бошқа судларнинг судьялари учун олтмиш беш ёшни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа судларнинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши судьянинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Германияда ушбу масалада тўрт ёндашув мавжуд :

- Умрбод тайинландиган, 68 ёшдан ошмайдиган пенсия ёшига етгунига қадар тайинланиш;
- Муайян муддатга тайинлаш. Федерал суд судьялари – ўн икки йил муддатга тайинланади;
- Синов муддати билан тайинландиган судьялар;
- Топшириқ асосида тайинландиган судьялар. Германия умумюрисдикция судлари судьялари учун судьялик лавозимида фаолият олиб боришнинг чегаравий ёши – олтмиш беш ёш этиб белгиланган⁹.

Англия судларида барча судьялар пенсия ёшига етиши, яъни етмиш ёшга кириши муносабати билан истеъфога чиқишлари белгиланган бўлса-да, баъзи ҳолатларда ушбу ёш даражаси етмиш беш ёшга қадар узайтирилиши мумкинлиги ҳам истисно тариқасида белгилаб ўтилган¹⁰.

➔ **Судьялик лавозимига тайинлаш тартиби.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади. Тошкент шаҳар ва вилоятлар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади. Ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимига тайинланади.

Англияда судьялар мақомидан қатъи назар адлия вазири томонидан, апелляция ва бошқа юқори инстанция судьялари Бош вазир тавсияномасига асосан тайинланади¹¹. Германияда судьялик лавозимида номзодлар Адлия вазири томонидан тайинланади, федерал даражадаги судьялар эса, адлия вазири тавсиясига биноан Президент томонидан тайинланади¹². АҚШда судьялар АҚШ Адлия вазирлиги тақдимномасига биноан Президент томонидан тайинланади¹³.

Юқоридаги ҳолатларга қисқача хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, судьялик лавозимида тайинлашдаги ёш цензи масалалари, шунингдек иш амалиётига эга бўлиш мезони бўйича талабларга нисбатан кўпчилик давлатларда беш йилни ташкил этса, баъзи бир давлатларнинг қонунчилик нормаларида мазкур норма умуман мустаҳкамланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 17.09.1987 йилдаги Америка Қўшма Штатлари конституцияси. Электрон ресурслар: <http://studentforever2007.narod.ru/contusa.html>.
2. Буюк Британия Конституциявий ҳужжатлари//<http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
3. Германия Федератив Республикаси Асосий Қонуни. Конституция ва қонунчилик ҳужжатлари. Электрон ресурслар: <http://lawyers-ssu.narod.ru/subjects/constzs/Germany.htm>.
4. “Судьялар тўғрисида”ги Германия Қонуни 19.04.1972 йил. Электрон ресурслар: <http://lawyers-ssu.narod.ru/subjects/constzs/Germany.htm>.
5. Буюк Британия Конституциявий ҳужжатлари//<http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
6. XIII аср ўрталарида Англия жамиятида Конституциявий кураш ва “Буюк Эрк хартияси” Д.М.Петрушевский.- 1918.// <http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
7. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2007/15/contents/>
8. Буюк Британия Конституциявий ҳужжатлари//<http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
9. “Судьялар тўғрисида”ги Германия Қонуни 19.04.1972 йил. Электрон ресурслар: <http://lawyers-ssu.narod.ru/subjects/constzs/Germany.htm>.
10. Буюк Британия Конституциявий ҳужжатлари//<http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
11. Буюк Британия Конституциявий ҳужжатлари//<http://lawlibrary.ru/izdanie17893.html>.
12. “Судьялар тўғрисида”ги Германия Қонуни 19.04.1972 йил. Электрон ресурслар: <http://lawyers-ssu.narod.ru/subjects/constzs/Germany.htm>.
13. 17.09.1987 йилдаги Америка Қўшма Штатлари конституцияси. Электрон ресурслар: <http://studentforever2007.narod.ru/contusa.html>.

ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Замонавий жиноят процессининг ўзига хос хусусиятларидан бири - жиноятларни тез ва тўла очиш, процессуал куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш мақсадларида самарали процессуал шаклларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, процессуал келишув институти айнан самарали процессуал шакллардан бири ҳисобланади.



Санжар ДУСМАНОВ,
жиноят ишлари
бўйича Қибрай туман
суди раиси, мустақил
изланувчи

Жумладан, БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш бўйича XII Конгрессида (Сальвадор, Бразилия, 2010 й.) жиноятчилик ҳолатига салбий таъсир қилувчи муаммолар сифатида: самарасиз ва узоққа чўзиладиган тергов, судга қадар қамокдан озод қилиш тартибидан фойдаланишнинг чекланганлиги, ишларни кўришнинг самарасиз амалиёти, прокуратура ва суд органларининг чекланган имкониятлари, суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартиби мавжуд эмаслиги ёки етарли даражада фойдаланилмалиги кўрсатиб ўтилган.

Б.Стефаноснинг фикрига кўра, процессуал келишувни тан олиш, авваламбор жиноят суд ишларини юритишни тезлаштириш, процессуал харажатларни қисқартириш, диспозитив асосларни кенгайтириш, жазо тури ва чорасини прогноз қилиш билан боғлиқ¹.

Совет жиноят процесси моддий ҳақиқатни аниқлаш шартлиги ҳақидаги ғояга асосланганлиги, бинобарин ғоявий чегаралар доирасида ҳаракат қилганлиги сабабли жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жиноятчилик ҳолатидан келиб чиқиб ривожланиш қобилиятига эга бўлмаганлиги, жазолаш функцияси жабрланувчининг манфаатларидан устун қўйилганлиги натижасида процессуал келишув институти ривожланмаган.

Бироқ, бу жиноят ишларини тергов қилишда процессуал келишув амалда қўлланмаганлигини англатмайди. Моддий нормалар қилмишига пушаймон бўлиш, жиноятни очиш, жиноий шерикларини фош қилишда фаол ёрдам беришни жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этгани ҳолда, мазкур масала процессуал жиҳатдан тартибга солинмаганлиги, яъни юқоридаги шартларни бажарган шахсларга нисбатан қатъий кафолатларнинг мавжуд эмаслиги, келишувнинг норасмийлиги, келишувнинг оқибатларини қўллаш баъзида субъектив омилларга асосланиши мазкур институтнинг имкониятларидан тизимли фойдаланишга тўсқинлик қилган.

Айнан шу жиҳатдан постсовет давлатлари учун мазкур институтни миллий ҳуқуқ тизимиغا имплементация қилиш энг муҳим масалалардан бири бўлган. Сабаби, келишув институти жалб қилиш нафақат оптимал процессуал ечим топиш балки жамоатчиликни мазкур институтнинг имкониятла-

ридан кўпроқ хабардор қилиш, шахсга тайинланиши мумкин бўлган жазони енгиллаштириш муайян шахснинг манфаатидан кўра жамият манфаатларига хизмат қилиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан тартибга солиниши ҳақида асосли фикрнинг шаклланишига ҳам боғлиқ эди.

Авваламбор, процессуал келишувнинг шакллари ўртасидаги фарқ англо-саксон ҳуқуқ тизими ва континентал ҳуқуқ тизимининг фундаментал ғояларидан келиб чиқишини таъкидлаш ўринли.

Континентал ҳуқуқ тизимида айбига иқрорлик бошқа далиллардан устун эмас ва айбланувчининг айбига иқрорлиги унга нисбатан ишнинг процессуал шаклига таъсир қилиши мумкин эмас. Мазкур шаклда асосий хавф процесда “формал далиллар назарияси” қўлланишидан, яъни “айбига иқрорлик” бошқа далиллардан устун қўйилиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Маълум маънода, процессуал келишув ЖПКнинг 112-моддасида белгиланган гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳолашни лозимлиги ҳақида қоидага зид бўлиши мумкин.

Айбга иқрорлик ҳақида келишув, шахснинг одил судловга ва тўлиқ суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини чеклаши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан келишув тузишга мажбурланиши хавфи сабабли ҳам танқид қилинади. Бундан ташқари, ижтимоий адолат принципларининг бузилиши хавфи ҳам мавжуд бўлиб, ҳимоячи олиш имкони бўлмаган шахслар, ҳуқуқий ҳимоя имкониятлари чекланган шахслар учун ўзларининг айбсизлигини суд орқали исботлашдан кўра айбига иқрор бўлиши мумкинлиги ёки аксинча айби исботланган бўлса-да муқаррар жазони енгиллаштириш учун ашаддий жиноятчилар ушбу имкониятдан фойдаланишлари мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Жумладан, А.Д. Пронякин жиноят ишларини кўриш ва ҳал қилишнинг бундай соддалаштирилган тартиби адолатсизликни юзага келтириши ва амалда одил судловдан воз кечишни англатишини билдирган².

И.Л. Петрухин эса ушбу масала юзасидан мутлақо қарама-қарши нуқтаи назарини баён қилиб, АҚШдаги айбга иқрорлик ҳақида келишув институти инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш билан боғлайди ва ўз айбига ихтиёрий ва тўлиқ иқрор бўлган инсонга суд жараёнида мажбуран қатнашишга мажбурлаш керак эмаслиги ҳақида фикр юритган³.

Формал далиллар назариясидан тўлиқ ва узил-кесил воз кечган континентал ҳуқуқ тизими, мазкур назариянинг ҳар қандай элементлари қўлланишини қабул қилиши осон кечмаган. Айбланувчи айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслиги, бошқа далиллар қаторида қабул қилинган, айбига иқрорлик бошқа далиллар мажмуаси билан баҳоланган ва фақат ҳукм чиқариш вақтида ҳисобга олинган.

Бироқ, барча жиноят ишларига стандарт ёндошув тергов ва суддаги иш ҳажмининг сунъий равишда кўпайишига, яъни мураккаб ишларни тўлиқ ва холисона муҳокама қилишнинг процессуал имкониятлари қисқаришига олиб келишини албатта инкор қилиб бўлмайди.

Вақт ва молиявий иқтисод нуқтаи назаридан, суд тизими иш ҳажмини камайтириш ва айбланувчига жазонинг аниқлиги, айбга иқрорлик ҳақида келишувни жиноят суд ишларини юриштининг анъанавий тартибидан афзаллигини кўрсатади⁴.

Е.В.Корчаго Европа давлатларида процессуал келишувлар институтининг кенг қўлланишининг қуйидаги сабабларини кўрсатган:

- Айбга иқрорлик ҳақида келишув ишни тезроқ ҳал қилиш имконини беради;
- келишув адолатли ва виждонга мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради, сабаби ҳукм чиқариш вақтидаги қатъий чегаралар судьянинг имкониятларини чеклайди, баъзида айбланувчининг алоҳида вазиятини ҳисобга олмайди;
- келишув суд мажлисига қадар қамоққа олинган айбланувчининг мажбурий ҳаракатсизлигини, яъни ҳеч қандай иш билан шугулланмасдан суд мажлисини кутишини олдини олади;
- айб эълон қилиниши ва иш бўйича қарор чиқарилиши ўртасидаги муддат қисқаради;
- келишув давлатга айблов тарафи билан келишув тузган айбланувчидан олинган маълумот ёки кўрсатувлар мавжуд бўлмаганида жазолашнинг имкони бўлмаган юқори даражадаги жиноятчиларни жавобгарликка тортиш имконини беради⁵.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида айбига иқрорлик тарафлардан бирининг фуқаролик процессида даъвонитан олиши билан умумий жиҳатларга эга, яъни судла-

нувчи айбига иқрор бўлиши тарафлар ўртасида низо мавжуд эмаслигини англатади, бу эса тарафлар тортишувига асосланган процессда далилларни тадқиқ қилиш ва суд тергови ўтказиш заруриятини истисно қилади. Сабаби, айбланувчи айбига иқрор бўлса, демак айблов тарафи исботлаш мажбуриятидан озод қилинади ва суд автоматик тарзда жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишга ўтади.


Бугунги кунда процессуал келишув институтлари турли шаклларда, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Италия, Франция, Швеция, Норвегия, Эстония, Исроил, Россия Федерацияси, Грузия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова ва бошқа бир қатор давлатларда қўлланилади.

Айбланувчининг айбига иқрорлиги одатда иш юришни соддалашига сабаб бўлади:

- дастлабки суд муҳокамаси мажбурий босқич бўлмайди;
- келишув тузиш билан айбланувчи присяжныйлар судига бўлган ҳуқуқдан воз кечади;
- келишув айбланувчининг айблилигига доир низони бартараф этади;
- судда далиллар деярли текширилмайди;
- агар айбланувчи келишувдан воз кечмаган ва бошқа жиддий тўсқинликлар бўлмаган тақдирда ишни кўриш айблов ҳукми чиқариш билан яқунланади.

Ўз-ўзидан, бундай келишув суд маслаҳатчиларининг айблилик ҳақида вердикти вазифасини бажаради, амалда тарафлар тортишувини принципи қўлланимаслиги бинобарин процесснинг якуни аввалдан аниқ бўлишини англатади.

АҚШда кўпгина олимларнинг фикрича, айбга иқрорлик ҳақида келишувнинг энг заиф нуқтаси, жиноят қонунчилигининг чегараси ҳаддан ташқари кенглиги, яъни ҳар қандай шахсга жиноий айблов кўйилиши мумкинлиги ва прокурорнинг келишув тузиш бўйича ихтиёрийлик ваколатларининг кенглиги билан боғлиқ⁶.



Биринчидан, ҳаддан ташқари кўп ихтиёрийлик ваколати ўзбошимчалик ва тенгсизликка олиб келиши, ваколатнинг камлиги эса қонунни индивидуал қўллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолатда прокурорнинг ихтиёрийлик ваколатлари ишни мазмунан ҳал қилиш юзасидан суднинг ваколатига ҳам хавф бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кўпгина йиллар мобайнида англо-саксон ҳуқуқ тизимида келишувга қаратилган музокаралар олиб бориш тартибга солинмаган эди. АҚШда мазкур масала Жиноят суд ишларини юритишнинг федерал нормаларининг 11-қоидасига 1974 йилда қўшимчалар киритилиши билангина тартибга солинди.

Бундан ташқари, АҚШ Олий суди давлат органлари томонидан айбига иқрорлик ҳақида келишувга эришиш учун жисмоний зарар ёки руҳий мажбурлашдан ёки таҳдиддан фойдаланиш мумкин эмаслигини эътироф этган ҳолда айбланувчи томонидан эҳтимолий жазони баҳолаш мажбурлаш ҳисобланмаслигини қайд этган⁷.

АҚШда келишувнинг индикатив ҳукм деб аталадиган шакли ҳам мавжуд бўлиб, баъзи ҳолларда прокурор ва ҳимоячи жиноят таркиби ва жазо чораси масаласида келишувга эриша олмайди. Масалан, прокурор айбланувчига 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши зарур деб ҳисоблайди, адвокат 6 ой етарли деб ҳисоблайди. Ушбу масалани ҳар икки тараф билан муҳокама қилгандан сўнг, суд айбланувчи агар айбига иқрор бўлса 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши ҳақида хабар беради.

Шундай қилиб, айбланувчига 3 та вариантдан бирини танлаш имкони берилади.

Биринчидан, айбланувчи бирламчи айблов бўйича айбига иқрор бўлиши мумкин. Иккинчидан, айбланувчи содир этган қилмишига нисбатан енгилроқ қилмишни содир этганлигига иқрор бўлиши мумкин. Учунчидан, айбланувчи барча айбловларни рад қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Кўпгина штатларда, федерал прокурорлардан айбга иқрорлик ҳақида ёзма келишув тузиш талаб қилинади. Ҳар бир прокуратура идорасида бундай келишувни тузиш учун стандарт шакл мавжуд.

Бироқ, ҳар қандай ҳолатда суднинг бундай келишувни тайёрлаш ва тарафларни келишув тузиши учун таъсир ўтказиши тақиқланади.

АҚШда прокурор ва адвокат келишувга эриша олмаган тақдирда, баъзи штатларда прокурор эътироз билдирган тақдирда ҳам айбланувчи иқрорлиги ҳақида ариза бериши мумкин. Бунда тарафларга суд олдида қарама-қаршилиқнинг сабабини тушунтириб бериш таклиф қилинади. Шундан сўнг судья айбга иқрорликни қабул қилиши ёки қабул қилишни рад қилиши мумкин.

Гарчи, келишувнинг оқибатлари юзасидан прокурорнинг мажбуриятлари аниқ белгиланмаган бўлса-да, АҚШ адвокатлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган стандартларда “агар айбланувчи келишувни бажаришдан бўйин товламаса, асосли сабаблар



бўлмаган тақдирда прокурор келишувни бажаришдан бош тортиши мумкин эмаслиги белгиланган”.

Келишув битимига эришилганидан сўнг, келишув битими тарафлар томонидан судга тақдим қилинади. Фақатгина суд битимни тасдиқлаш мумкинлиги масаласини ҳал қилади. Суд ишларини юритишнинг федерал қоидаларига мувофиқ, айбга иқрорликнинг шартлари сифатида унинг ихтиёрийлиги, айбланувчининг унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида етарли маълумотга эгалигини текширади.

Ишни ҳал қилиш жараёнида суд “айбга иқрорлик масаласида суҳбат деб аталадиган” жараёнда судланувчига бир қанча саволлар беради. Тарафлар иштирокида очиқ суд мажлисида мазкур суҳбат ўтказилади, суд ҳозир бўлганларга судланувчига келишув бўйича берилган мажбурият ҳақида маълумот беради, суд унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ноқонуний ваъдалар берилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Агар жазо чораси тавсия қилинганидан кўра оғирроқ бўлса, у ҳолда суд судланувчига айбга иқрорлик ҳақида аризасини қайтариб олиши мумкинлиги ҳақида тушунтиради. Бироқ, судлар келишилган жазо чорасидан оғирроқ жазо тайинламасликка ҳаракат қилишади, сабаби бу айбга иқрорлик ҳақида келишув тизимини издан чиқариши, унинг қадрсизланишига олиб келиши мумкин.

Айбга иқрорлик ҳақида келишув шахс учун келгусида бир қатор салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин, хусусан:

- шахс сайловда қатнашиш ҳуқуқини йўқотиши;
- ўқ отар қурол олиб юриш ҳуқуқи чекланиши;
- давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқини йўқотиши;
- чет эл фуқаросини депортация қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур институт аста-секин континентал жиноят процессига кириб келди. Масалан, 1988 йилда Ита-

лия ЖПКга киритилган ўзгартиришларга кўра, ишни судга қадар юритиш ёки дастлабки суд муҳокамасида прокурор ва айбланувчи ўртасида ўта оғир жиноятлар бўйича келишув (*patteggiamento*) тузилиб, унга кўра жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Агар келишув суд томонидан тасдиқланса ҳукм чиқарилган ҳисобланади, агар рад қилинса иш умумий тартибда давом эттирилади. Кейинчалик шунга ўхшаш институтлар Германия, Испания ва Португалияда ҳам жорий қилинди.

Францияда 2004 йил 9 мартдаги қонунга мувофиқ, прокурор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ишлар бўйича судга алоҳида тартибда иш юритиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Агар айбланувчи айбига иқрор бўлиб, жазо тури ва муддатига рози бўлса келишув суд томонидан тасдиқланади. Жазо қонунда белгиланган жазонинг ярмидан кўп бўлиши мумкин эмас ёки бир йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланиши мумкин эмас (жабрланувчига етказилган зарарни қопланиши мажбурий).

Бельгия ва Швеция қонунчилигида айбга иқрорлик ҳақида келишувда айбланувчи ўзининг ҳуқуқлари шу жумладан конституцияда белгиланган суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқидан воз кечиши эвазига эга бўладиган имтиёзлар аниқ белгиланади.

Булар шахс айбланаётганидан кўра энгилроқ жиноятни содир этганлигига иқрор бўлишга рухсат берилиши, бир неча банддан иборат айбловнинг фақат айрим бандларига иқрор бўлиш ёки ҳукм чиқариш вақтида энгилроқ жазо тайинлаш ҳақида давлат томонидан судга бериладиган тавсиянома олишда ифодаланиши мумкин.

Континентал ҳуқуқ тизимида келишувга эришиш учун музокаралар олиб бориш тартиби белгиланмаган бўлиб, музокаралар давлат номидан иш кўрадиган прокурор ва айбланувчининг манфаатларини ифодаловчи адвокат ўртасида ўтказилади. Музокаралар телефон орқали ёки бевосита мулоқот тарзида ўтказилиши мумкин. Бироқ, бундан аввал ҳимоячига айблов томонда мавжуд далиллар билан танишиш, яъни хатарни баҳолаш имкони берилади. Одатда айбланувчи музокараларда қатнашмаса-да, адвокат музокара мазмунини яширмасдан унга етказиши зарур.

Буюк Британия ва Норвегияда айбга иқрор бўлмаса-да унга эълон қилинган айблов юзасидан низоллашмаслик шаклида келишув ҳам мавжуд. Бунда айбланувчи фақатгина процессуал ҳуқуқларидан шу жумладан судда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан воз кечади, натижада суд муҳокамаси тезроқ якунланади, айбланувчи ўзининг обрўсини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Швейцарияда айбга иқрорлик ҳақида келишув юзасидан иш юритишнинг ўзига хос шакли буйруқ тартибида иш юритиш ҳисобланади (*der Strafbefehl*). Мазкур тартибга кўра, агар дастлабки тергов босқичида айбланувчи унинг айблилиги ҳақида ҳолатлар-

ни тан олса, прокуратура уни жазолаш ҳақида буйруқ чиқаради ва қуйидаги жазо турларидан бирини тайинлайди.

- унча оғир бўлмаган жарима (*die Busse*) (юримдик шахсларга 5.000.000 франк, жисмоний шахсларга 10.000 франкача бўлган миқдорда);
- жиноий жарима (*die Geldstrafe*);
- жамоат ишлари (*die gemeinnützige Arbeit*);
- 6 ойгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш (*die Freiheitsstrafe*).

Агар ўн сутка ичида айбланувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар, юқори турувчи прокуратура органлари томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда жазолаш ҳақидаги буйруқ ҳукмга тенглаштирилади (ЖПК 354-моддаси 1-қисми). Агар улар буйруққа норозилигини билдирган тақдирда прокуратура эътирозни ҳал қилиш учун кўшимча далиллар йиғади ва натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- а) жазолаш ҳақида буйруқни ўз кучида қолдиради;
- б) иш юритишни тугатади;
- в) жазолаш ҳақида янги буйруқ чиқаради;
- г) биринчи инстанция судида ишни кўриш учун айблов эълон қилади.

Прокуратура жазолаш ҳақида буйруқни ўз кучида қолдирилган тақдирда процессуал ҳужжатлар биринчи инстанция судига мазмунан кўриш учун берилади (ЖПК 356-моддаси 1-қисми). Суд ёки буйруқни ўз кучида қолдиради ёки ҳақиқий эмас деб топиб умумий тартибда дастлабки тергов ўтказиш учун прокуратурага юборади.

Хулоса ўрнида, процессуал келишув авваламбор, муайян тоифадаги ишлар юзасидан иш юритишни тезлаштириш, процессуал куч ва воситаларни тежашга қаратилган соддалаштирилган процессуал шакллар қўлланишини кенгайтириш, жиноят процессида диспозитивликни кенгайтириш, яъни процессуал иштирокчиларининг унинг жараёни ва натижасига таъсир ўтказиш имкониятини кенгайтиришга қаратилганлигини қайд этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephanos B. Harmonizing substantive criminal law values and criminal procedure / B. Stephanos // Cornell Law Review.
2. Пронякин А.Д. Упрощенное судопроизводство как путь к отказу от правосудия // Вестник Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. 2017. № 4. С. 27.
3. Петрухин И.Л. Особый порядок судебного разбирательства // Рос. юстиция. 2005. № 7. С. 5.
4. Гарипов Р. Сделка о признании вины как альтернатива суду присяжных заседателей в уголовном правосудии США
5. Корчаго Е.В. Анализ результатов применения института "Plea Bargaining" органами предварительного расследования и судами г. Севастополя // Мировой судья. 2019. № 4. С. 34.
6. Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. supra note 4, at 52.
7. Bradley v. United States, 410 U.S. 605 (1973)

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Судлар томонидан чиқарилган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўришнинг илгариги тизими қуйидаги икки босқичдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорларини текширишни амалга оширувчи апелляция ва иккинчиси, суднинг қонуний кучга кирган қарорларини қайта кўришни амалга оширувчи кассация ва назорат инстанциялари бўлиб ҳисобланарди.



Илҳом НАСРИЕВ,
юридик фанлар
доктори,
профессор

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар биринчидан, назорат инстанцияси институтини бекор қилиш ва кассация инстанциясининг ваколатларини Олий судга ўтказишга, иккинчидан, апелляция инстанцияси институтинининг ваколатларини вилоят судлари ва унга тенглаштирилган судларга ўтказган ҳолда тубдан ислоҳ қилишга қаратилгандир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 17-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда амалга ошириладиган бўлди. “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Ишни биринчи инстанция судида кўрган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, бу ишни такроран кўриши мумкин эмас, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш, шунингдек сиртдан иш юритиш тартибида қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳоллари мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўрган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида, ёхуд кассация инстанцияси судида мазкур кодексга мувофиқ такроран кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб ҳам ўзгарди.

Жавобгар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилган судга шу ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза ушбу кодекснинг 287-291-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли бўлиб ҳисобланадилар.

Апелляция шикоятларини (протестларни) кўриб чиқадиган судлар қуйидагилар:

➡ Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати — тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

➡ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган;

➡ Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати — Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, шунингдек Олий суднинг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўриб чиқади.

Апелляция шикояти апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни чиқарган судга берилади.

Апелляция шикояти судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб кўчирма нусхалари билан бирга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган апелляция шикояти (протест) мустасно.

Зарур ҳолларда, судья апелляция шикояти берган шахснинг ёки протест келтирган прокурорнинг зиммасига апелляция шикоятига ёхуд протестга илова қилинган ёзма материалларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб тақдим этиш мажбуриятини юклатиши мумкин.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддат, агар муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, шикоят бераётган шахснинг илтимосномасига кўра биринчи инстанция судининг ажримига биноан тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ушбу кодекснинг 155-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.



**Зулфия
НУРАЛИЕВА,**
фуқаролик ишлари
бўйича Мирзо
Улувбек туманлараро
судининг судьяси

НИКОҲГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Сўнгги йилларда турли сабабларга кўра, оила ажримларининг сони ошиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўрганишларимиздан шу нарса маълум бўладики, хорижий давлатларда судлар эр-хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришдан олдин аёл ва болаларнинг кейинги тақдири билан қизиқиб, уларни кафолатлашга қаратилган ишларни амалга оширади.

Бизда эса, аввал никоҳдан ажратиш қайд этилади. Кейин эр-хотиннинг мол-мулк тақсимоти кўриб чиқилади. Оилалардаги ажримлар сонини кўпайиши жамиятни маънавий емирилишига, тирик етимлар кўпайишини келтириб чиқаради.

Ачинарлиси, никоҳдан ажратилар экан турмушдаги қийинчиликлари асосан аёлнинг зиммасига тушади. Чунки, аксар ҳолларда у яшаб турган уйдан болалари билан чиқиб кетиши ҳамда ўзи ва болаларнинг таъминотини ўйлашга мажбур бўлади.

Оилавий ажримларнинг сабаблари турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга уй-жой масаласи, ишсизлик, моддий етишмовчилик, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши, эр ёки хотиннинг ишлаш учун бошқа мамлакатларга кетиши, оилада маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги, оилага ташқаридан бошқа шахсларнинг аралашуви сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолатларда ажримларга сабаб қилиб ёшларнинг бир-бирини тушуна ол-

маслиги, ҳаётга, оила масаласига енгил қарашда ҳам кўрсатилади.

Оила кодексининг талабларига кўра, суд томонидан тайинланадиган “яраштириш муддати” зарурлигига ҳар доим ҳам жиддий аҳамият бермаётгандекмиз. Шунинг учун, никоҳдан ажратиш ишлари бўйича ишларни кўриш вақтида тарафларга яраштириш муддатини берилганидан кейин жамоатчилик томонидан эътиборни кучайтириш лозим.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда судья томонидан қуйидаги қоидаларга амал қилиниши лозим:

- судья никоҳдан ажратиш ҳақида тарафлар томонидан келтирилган сабабларни ички ишончига кўра қабул қилмагунча, улар ўз исботини топган ҳисобланмайди;
- даъвони тарафлар томонидан тан олиниши судья учун аҳамият касб этмайди;
- судья далилларни мустақил баҳолайди;
- судья тарафлардан бирининг илтимосномасига асосан суд мажлисини ёпиқ тарзда ўтказиши мумкин.

Никоҳдан ажрашишлар дунёнинг барча давлатларида қайд этилади. Лекин, қонунчилигимизда турмушдан ажралган аёл ва болаларнинг кейинги тақдири кафолатланмаган. Тўғри, вояга етмаган болалар учун алимент тўловлари қонунда белгиланган. Аммо, ҳозирда қанчадан-қанча аёллар алимент тўловларини ундира олмай судма-суд юрганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Фикримизча, “никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган даъвогардан жавобгарнинг талаби билан моддий ва маънавий зарар ундириш” тўғрисида янги нормани киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, қонунчиликда бундай нормаларнинг бўлиши тарафларга оилага нисбатан кўпроқ масъулиятли бўлишни юклайди.



Судлар томонидан бугунги кунда никоҳдан ажратиш ишларини кўришда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш лозим:

- никоҳ қайд этилишидан аввал ёш оиланинг яшайдиган манзили аниқ эмаслиги;
- никоҳдан ажратилганда фарзандлар ва хотиннинг турар жой билан таъминланмаслиги;
- никоҳ қайд этилгач, хотиннинг яшаш манзилга рўйхатга қўйилмаслиги;
- фамилия ўзгаргани сабабли янги паспорт олганда доимий рўйхатга қўйилмаган манзили ҳам ўзгартирилмаслиги;
- болалар учун алиментлар мажбурий ундирилиш механизми жорий қилинмаганлиги;
- алимент миқдори боланинг ҳаёт кечирishi, таълим олиши учун етарли эмаслиги;
- қонунчилигимизда никоҳдан ажратиш учун талаб қўйишда келтириладиган асослар нисбатан аниқ кўрсатилмаганлиги;
- никоҳга киришишдан олдин никоҳ шартномасини тузилмаслиги.

Оила кодексининг 6-бобида эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Оила кодексининг 31-моддаси 3-қисмига кўра, эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиннинг ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномаси предмети таркибига эр ва хотин никоҳ шартномаси шarti сифатида ўзаро моддий таъминот бериш ҳақидаги масалалар киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бинобарин, эр-хотин ўртасида келгусида вужудга келиши мумкин бўлган алимент муносабатлари никоҳ шартномасини тузиш пайтида ҳам, шунингдек келгусида унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартибида ҳам, никоҳ шартномаси шартлари таркибига киритилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси фуқаролик ҳуқуқий шартномаларининг турларидан ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасига кўра: “Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.” Яъни, никоҳ шартномаси-



ни тузиш ёки тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг ўзига тегишлидир ва айнан мана шу қоида никоҳ шартномасини никоҳ тузиш шартларидан бири қилиб белгиланишига тўсқинлик қилади. Бошқача айтганда никоҳ шартномасини амалиётга мажбурий тартибда жорий қилиш Фуқаролик кодексимиз талабларига зид эканлиги кўринади. Қолаверса, бунга озми-кўпми бизнинг халқимизнинг менталитети ҳам таъсир қилади. Чунки, бизда ҳеч қачон ёмон ният қилинмайди, яхши ният қилинади.

Лекин, никоҳ шартномаси келажакда оилавий муносабатларда содир бўлиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишда ва уларнинг осон ечимини топишида муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга оладиган бўлсак, никоҳ тузиш остонасида турган ёшларнинг никоҳ шартномасига нисбатан муносабатини ўзгартиришимиз жуда муҳим ҳисобланади.

Никоҳ шартномасига кўра эр ва хотиннинг ҳар иккаласига ҳам никоҳда бўлган даврларида ёки никоҳдан ажратилган пайтларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олиш имконияти яратилади.

Никоҳланувчилар учун бу жуда муҳим жиҳат бўлиб, оила қуриш остонасида турган ёшлар учун келажакда уларни оилавий муносабатларда юз бериши мумкин бўлган низолар ҳақида олдиндан ўзига хос огоҳлантириш вазифасини бажаради ва ёшларнинг никоҳга, оилага бўлган муносабатини янада ижобий томонга ўзгартиришга, масъулиятини янада оширишга туртки бўлади.

Фикримизча, никоҳланувчилар ва никоҳ тузганлар орасида никоҳ шартномасини оммалаштириш учун никоҳ шартномаси тузувчиларга имтиёзлар бериш йўлидан бориш, нотариал идоралар томонидан никоҳ шартномаси тузиш ва ўзгартиришда қилинадиган барча турдаги харажатлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, бу омил ҳам никоҳ шартномасини оммалаштиришда ўзига хос ўрин тутган бўларди.



Хуршид
РАВШАНОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ЧЕТ ЭЛ МУАЛЛИФЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ШАРТНОМАВИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАРИ

Муаллифлик шартномаси – бир томондан, фан, адабиёт ва санъат асарининг муаллифи ёки унинг иш берувчиси ёхуд бошқа мулкий муаллифлик ҳуқуқларининг эгаси, бошқа томондан, асардан фойдаланувчи ўртасида тузилган шартнома тушунилади. Ушбу шартномага биноан муаллиф фойдаланувчига ҳақ эвазига, шартлашилган усулда ва белгиланган муддатда асардан фойдаланиш ҳуқуқини бериши, фойдаланувчи эса, асардан ўзига берилган ҳуқуққа мувофиқ фойдаланиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Муаллифлик шартномалари бўйича тарафларнинг жавобгарлиги муҳим хусусиятларга эгадир. Ушбу шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг турлари ҳисобланар экан, уларнинг иштирокчилари, агар ушбу шартномалар предметининг хос хусусиятлари бошқача ёндашувни талаб қилмаса, қабул қилинган мажбуриятларни бузганлик учун Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда ФК) 324–339-моддаларида баён этилган умумий нормалар, шунингдек ФКнинг 14-моддасидаги зарарларни қоплаш тўғрисидаги норма бўйича жавобгар бўладилар. Шунинг учун “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунни 65-моддасининг биринчи қисмидаги махсус нормада назарда тутилганига мувофиқ, муаллиф ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромди миқдоридagi зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли. Агар ҳуқуқбузар

муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини талаб қилишга ҳақли.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигида лицензия шартномалари қайси соҳаларда берилиши ҳақида нормалар йўқ. Оқибатда, амалиётда лицензия шартномалари берилиши кузатилмаяпти. Зеро, лицензия шартномалари мажбурий характерга эга бўлиб, унинг талаблари тўлиқ бажарилиши лозим.

Мажбурий лицензияларнинг учта тури мавжуд улар ноширлик (босма) асарлари, аудиоёзув ва радиоэшиттиришлар учун берилади.

Мажбурий лицензияга кўра, муаллифлик ҳуқуқи эгаси учинчи тарафга асардан фойдаланиш учун рухсат беришга мажбур бўлади. Бунда асардан фойдаланиш шартлари кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, томонлар ўртасида муаллиф ҳақини келишиб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Лицензия шартномасига мувофиқ муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилади. Россия Федерацияси, Молдова, Қозоғистон Республикаларининг муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши алоҳида модда сифатида белгиланган. Бундай норманинг алоҳида модда сифатида ўрнатилиши муаллифлар томонидан яратилган асарлардан фойдаланувчилар қонун доирасидагина фойдаланишлари, ўтказилаётган объект (асар) турларининг аниқ белгиланиши, фойдаланиш шакл ва усуллари аниқ кўрсатилишига олиб келади. Шунингдек, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита белгилаб олинади. Мулкӣ ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасига кўра ўтиши мумкин. Мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш алоҳида ҳуқуқлар-



ни ўтказиш ҳақидаги муаллифлик шартномасига биноан амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, муаллиф ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиши ўзининг хоҳиширодаси бўлиб, муаллифга зарар етказмайдиган шартларда амалга оширилиши керак.

Лицензия шартномасининг ўрнатилиши ижобийлиги билан бир вақтда, фаолият давомида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳуқуқ эгалари (фойдаланувчилар) бу лицензияга кўра республика ичкарасида яратилган асарлардангина фойдаланишлари лозим. Хорижий мамлакатларда яратилган асарлар республикага халқаро шартномалар асосида ёки ҳуқуқ эгасининг розилигига кўра келтирилиши лозим. Бундай рухсатноманинг бўлмаслиги тўғридан-тўғри лицензия олувчи (ҳуқуқ эгаси)нинг асарларидан фойдаланишида ҳуқуқларини чеклаб қўяди.

Лицензия асосида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб, таржима қилинган, трансляция қилинган, ёзиб олинган, нусха кўпайтирилган асарлар, бошқа (учинчи) мамлакатларга тижорат мақсадларида ёки ижара объекти сифатида чиқарилиши мумкин эмас.

Телерадио маҳсулотларидан фойдаланишда лицензия шартномасига ўтилишида яна бир муаммо, бу республикада яратилган шу соҳа асарларини хорижий мамлакатларга экспорт қилишда лицензия шартномасининг ишлаб чиқилмаганлигидир. Лицензия шартномаси йўқлиги туфайли республикамиз телерадио ташкилотлари томонидан яратилган ва намойиш қилинаётган ёки тўлқин орқали эшиттирилаётган асарлар кўшни давлатлар томонидан “қароқчилик” йўли билан ёзиб олинди, қайта намойиш этилмоқда. Бу эса шу асарларни яратган ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказмоқда. Шунингдек, асар ижодкорлари (муаллиф, ижрочилар) ўзларига тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқларини олишдан маҳрум бўлаётдилар.

Телерадио ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Конвенция ва шартномалар, миллий қонунчилигимиздан келиб чиқиб, назарий жиҳатдан шу соҳа лицензия шартномасини яратиш ва уни амалий жиҳатдан татбиқ этиш зарурияти туғилди. Агарда бу соҳада мажбурий лицензияга ўтилмас экан, давлатимиз маданий индустриясига иқтисодий жиҳатдан зарар етказиши мумкин.

Бугунги кунда Республикада чоп этилаётган чет эл муаллифлари асарлари рухсатсиз таржима қилинмоқда ва чоп этилмоқда. Ноширлик соҳасида асарлардан қонуний фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш механизми яратилиши лозим. Яъни, лицензия шартнома-



сининг ишлаб чиқилиши, ваколатли органлар томонидан тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилиши, ҳимоя қилинадиган ҳар бир асар устидан хорижий мамлакатларда фойдаланишда улар устидан етарли назоратни ўрнатилишига сабаб бўлади. Лицензия шартномаси тўғрисидаги назария ҳам Конвенция талабларидан келиб чиқиб яратилган. Бу назарияга кўра, ноширлик объекти ҳисобланган китоб, журнал, илмий мақола, тўпламлар ва бошқалардан фойдаланиш (таржима қилиш, чоп этиш) фақатгина лицензия шартномаси асосида йўл қўйилади. Бу шартномага кўра, асарни қайси тилга таржима қилиш, қайси нашриётда чоп этиш, унинг босма ҳажми, нусхаси, тўланиши лозим бўлган муаллифлик мукофот миқдори ва тури (валюта, миллий пул бирлиги), ҳақни тўлаш тартиби ва бошқалар белгилаб олинади. Лицензия асосида таржима қилинган ёки чоп этилган асар тижорат мақсадларида бошқа мамлакатларга чиқарилишига йўл қўйилмайди. Асарни таржима қилиб, нашр этган ташкилот шу асар ҳуқуқ эгасидан унинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини шартнома асосида олиб борган бўлса, асардан ўзгалар фойдаланишида назорат ўрнатишни ўз зиммасига олади. Ҳосила асар сифатида юзага келган асарлар қонунга биноан ҳимоя қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1048-моддасида ҳосила асарларнинг муаллифларига қуйидагича таъриф берилди: “Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўплам ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллиф-

лик ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳосила асар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам олдин фойдаланилган асарлар асосида ўз ҳосила асарларини яратишига тўсқинлик қилмайди.

Қонуннинг 7-моддасида таржималар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарлар ҳосила асарлар ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги моддалардаги қоидаларга кўра, таржимонлар томонидан яратилган таржима натижалари янги асар сифатида тан олинади. Таржима асарлардан фойдаланишда ўзгалар томонидан келиб чиқадиган муаммолар шундан иборатки, асарни дастлаб яратган муаллифдан ташқари энди яна бир нечта муаллифлар (таржимонлар) ҳуқуқ эгаси сифатида намоён бўлади. Бошқа шахслар томонидан шу оригинал (бирламчи) асарни яна бошқа тилларга таржима қилишда қайси муаллифдан рухсат олиш масаласи вужудга келади. Яъни учинчи, тўртинчи ва ҳоказо таржимонлар асарни таржима қилишларида қайси муаллифдан рухсат олишлари лозим. Бундай ҳолларда таржимон (муаллиф) асарни қайси тилдан таржима қилмоқчи бўлса, ўша тилда таржима қилган муаллифдан рухсат олиб асарни таржима қилишга киришади. Лекин, асар таржимаси тугаб, нашр этилаётган ёки ўзгача кўринишда фойдаланилаётганда асар учун қалам ҳақи ҳам асарни яратган бирламчи муаллиф ҳам, уни таржима қилган таржимон ҳам, қайта таржима қилган таржимонга тўланиши лозим бўлади. Бундай тартиб муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда белгиланган. Бу фаолият ҳуқуқӣ жиҳатдан лицензия шартномаси қои-

даларида ўрнатилиши, лицензия шартномаси орқали асардан фойдаланишга йўл қўйилиши билан ҳал этилиши ва шу тариқа муаммо ечилиши лозим.

Ноширлик фаолиятида (таржимада, чоп этишда) лицензия шартномасининг йўқлиги ёки ўрнатилмаслиги ҳам муаллифнинг, ҳам ноширлик идорасининг муаллифлик ҳуқуқини бузилишига олиб келиши мумкин. Яъни, асарлар таржима қилиниб, қайта нашр этилаётганда бирламчи муаллифнинг номи, асарни биринчи нашр этган ташкилотнинг номлари кейинги фойдаланувчилар томонидан тушиб қолдирилиши, асар мазмунига кераксиз ва гайриқонуний равишда ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилишига олиб келиши мумкин. Ноширлик фаолиятидаги лицензия шартномаси нафақат ички қонун механизми, балки халқаро механизм, халқаро миқёсда ишлайдиган таъсир кучига эга бўлган халқаро ҳуқуқӣ хужжатдир. Чунки, лицензия шартномаси бўлмаса, республикамизда яратилган ёки нашр этилган бирор асар хорижий мамлакатда таржима қилиниши ҳамда нашр этилиши ёки бошқача шаклда фойдаланишига йўл қўйилмайди. Лицензия шартномаси халқаро муаллифлик ҳуқуқи қоидалари асосида "миллий режим" нормасини олади.


Юқоридагилардан хулоса қилиб, лицензия шартномаларини мазмуни, ҳаракат доираси ва объектларга қўлланиши нуқтаи назаридан қуйидаги соҳаларда тизимга жойлаштириш мумкин:

1. Ноширлик фаолиятига оид бўлган асарларга бериладиган лицензиялар;
2. Ёзиб олинган (аудио, видео ва фонограмма) асарларга бериладиган лицензиялар;
3. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумот базалари учун бериладиган лицензиялар;
4. Радиоэшиттиришларга бериладиган лицензиялар.

Умуман олганда, муаллифлик ҳуқуқида асарлардан шартнома асосида фойдаланиш муаллифларнинг кейинги ҳуқуқларини босқичма-босқич амалга оширишларида асосӣ, ҳуқуқӣ механизмни яратувчи асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда асарлардан қонуний, яъни шартномалар асосида фойдаланиш асарлардан халқаро шартномалар асосида фойдаланишга олиб боради. Асардан шартномасиз фойдаланиш асардан муаллифнинг розилигисиз фойдаланишга тенглаштирилади. Бу эса муаллифлик ҳуқуқини сўзсиз бузилиши демакдир.

*Кекса киши бўлса
нодону жоҳил,
Ақлли гўдакни
ундан афзал бил.
Носир ҲУСРАВ*



МАЪМУРИЙ СУДЛОВГА ОИД ТУШУНЧАЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

“Маъмурий судлов” (“маъмурий суд ишларини юритиш”) тушунчасини англаш учун, биринчи навбатда, “оммавий ҳуқуқий муносабат”, “оммавий ҳуқуқий низо” ва “маъмурий низо” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур. “Оммавий ҳуқуқий муносабат”ларга таъриф берадиган бўлсак, унинг оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлигини айтиш мумкин.

Оммавий ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти сифатида эса, унда иштирок этувчи томонларнинг бири бўлиб давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган.

Ҳозирги кунда оммавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида бир томонда жисмоний ва юридик шахслар, иккинчи томонда эса, фақатгина давлат органлари эмас, балки ҳокимият ваколатларига эга бўлган турли субъектлар учрайди.

Жумладан, айрим давлат органлари вазифалари нодавлат нотижорат ташкилотларига (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, оммавий ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади.

Масалан, мамлакатимиз қонунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилиш мумкин.

Мазкур ҳолда, маъмурий судда оммавий ҳуқуқий муносабатларга доир низо кўриб чиқилаётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан оммавий ҳуқуқий низо (хусусан, унинг асосий кўриниши ҳисобланган маъмурий ҳуқуқий низо)нинг бир нечта умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, оммавий ҳуқуқий низолар оммавий ҳуқуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган

субъект намоён бўлади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас;

учинчидан, оммавий ҳуқуқий низоларни ҳал этишининг махсус тартиби жорий этилади;

тўртинчидан, оммавий ҳуқуқий низолар турли субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади;

бешинчидан, оммавий ҳуқуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

2018 йил 25 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 26-моддасига биноан маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ёки ушбу соҳадаги низода иккинчи томон сифатида давлат бошқаруви органлари, маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари намоён бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда юқорида санаб ўтилган шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан бир қаторда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам предмет сифатида қаралади.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши лозим бўлган тушунчалардан яна бири “маъмурий орган” тушунчасидир.

“Маъмурий орган” тушунчаси 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғриси-



Сухроб ЮЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар
маъмурий судининг
судьяси

да”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан кириб келди.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасига биноан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар маъмурий органлар ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида давлат бошқаруви органлари, маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар маъмурий орган сифатида ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида асосан, вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органларидир.

Фармонга биноан республика давлат бошқаруви органлари зиммасига:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўйбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб

чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш каби вазифалар юклаб қўйилган.

Қонунчиликка биноан Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органларидан ташқари, хўжалик бошқаруви органларига ҳам раҳбарлик қилади.

Табиий савол туғилади: хўжалик бошқаруви органи “маъмурий орган” таркибига кирадими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида биноан қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари:

➔ таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан, давлат акциядорлик компаниялари;

➔ муассис корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади.

Ушбу Фармонга биноан давлат бошқаруви, шу жумладан, тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, хўжалик бошқаруви органлари “маъмурий орган” таркибига кирмайди, шунингдек улар томонидан амалга ошириладиган фаолият қонун ҳужжатларига биноан “маъмурий ҳуқуқий фаолият” ҳисобланмайди.



Амалдаги қонун ҳужжатларида “маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар” тушунчаси ёки рўйхати батафсил берилмаганлиги сабабли, маъмурий судларда ишларни кўриб чиқишда айрим муаммолар юзага келмоқда.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши лозим бўлган тушунчалардан яна бири “маъмурий акт” тушунчасидир.

Маъмурий орган ҳужжати куйидаги бешта белгилар мавжуд бўлсагина маъмурий акт, яъни муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат ҳисобланади.

➡ Маъмурий акт – маъмурий орган томонидан қабул қилинади.

➡ Маъмурий акт – ҳокимият ваколати асосида қабул қилинади.

➡ Маъмурий акт – оммавий ҳуқуқий муносабат, янада аниқроқ айтганда маъмурий ҳуқуқий муносабат ҳосиласи сифатида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

Ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши регулятив (тартибга солиш) сифатида ҳам тавсифланади. Бу эса ўз навбатида маъмурий актни маъмурий хатти-ҳаракат (реал акт)дан фарқлайдиган муҳим белгидир.

➡ Маъмурий акт – ташқи субъектларга йўналтирилган бўлиши, яъни маъмурий органнинг ички идоравий муносабатларига эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан қабул қилиниши назарда тутилади.

➡ Маъмурий акт – индивидуал (аниқ) хусусиятга эга бўлиб, айрим жисмоний ёки юридик шахслар ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига қаратилганлиги билан ажралиб туради. (Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси).

Маъмурий ишларни такомиллаштириш учун куйидаги атамаларни белгилаш таклиф этилади: “маъмурий даъво”, “маъмурий даъвогар”, “маъмурий жавобгар”.

Маъмурий даъво маъмурий даъвогарнинг маъмурий жавобгарга нисбатан маъмурий судга берилган мурожаати ҳисобланади.

Маъмурий даъвогар ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари маъмурий жавобгар томонидан бузилган жисмоний ёки юридик шахсдир.

Маъмурий жавобгар эса давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда белгиланган тартибда ваколат берилган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидир.

Маъмурий иш кўзғатишининг асосий йўналишларига аниқлик киритиш нуктаи назаридан шу соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНСОНПАРВАР ҒОЯЛАР ТАШАББУСКОРИ

Бугунги глобаллашув ва интеграция жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш бериш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этиб бормоқда. Дунёнинг баъзи бир нуқталарида рўй бераётган уруш-жанжаллар, ихтилофли низолар, хунрезликлар оқибатида инсон ҳуқуқлари топталаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай қабохатлардан айниқса норасида гўдаклар, вояга етмаган болалар ва аёллар кўпроқ жабр тортаётгани, жуда ачинарли.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий маълумотларига кўра, “2019 йилдаги таҳлиллар кўрсатадики, дунёдаги 35 % аёллар ҳуқуқларининг таъминланмаётганлиги натижасида умри давомида ҳеч бўлмаса бир мартаба жисмоний, руҳий зўрликка дучор бўлган. 2018-2019 йилларда дунёда аниқланган одам савдоси қурбонларининг 72 % ни аёллар, жумладан вояга етмаган қизлар (23 %), шу билан бирга, болалар савдосининг ҳар беш қурбонидан тўрттасини қиз болалар ташкил этган”лиги ёки саксон миллиондан ортиқ болалар мактабларда ўқиш имкониятига эга эмаслиги муаммонинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатиб туради.

Мана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТнинг сессияларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган инсонпарвар ғоя ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан, жорий йил 21 февраль куни бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги маърузасида ҳам инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш билан боғлиқ амалий таклифларни билдирди.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туришини алоҳида таъкидлаб куйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади.”

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича замонавий концепцияга асосланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия” ишлаб чиқилди ва бу ҳужжат ҳаётга изчил татбиқ этилиб келинмоқда.

Баҳодир ҚАЮМОВ,

*жиноят ишлари бўйича Мирзо
Улуғбек туман суди судьяси*

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ РОЛИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат молиявий назорат органларини бюджет маблавларини тежаш, талон-тарож қилмаслик мақсадида ҳозирги даврда олиб бораётган фаолияти ва уни янада такомиллаштиришнинг назарий, амалий масаллари таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу муаммонинг инновацион қирраларини очишда, муайян даражада хорижий тажрибанинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. Мақолада давлат молия назорати тизимини такомиллаштириш учун рақамли иқтисодиётнинг инновацион имкониятларидан фойдаланиш таклифи илгари сурилган.

Калит сўзлар: Қонун; бюджет; эҳтиёж; ижтимоий; давлат; молия; назорат; иқтисодиёт; ташкилот; коррупция.

АННОТАЦИЯ

В статье исследована работа органов финансового контроля против расхищения, нецелевого использования государственных бюджетных средств в современных условиях. Сделана попытка рассмотреть вопросы по дальнейшему совершенствованию теоретических и практических аспектов деятельности органов финансового контроля. Автор обращает внимание на возможности изучения зарубежного опыта финансовых организаций. В статье выдвинуто предложение о необходимости использования инновационных методов цифровой экономики в работе органов финансового контроля.

Ключевые слова: Закон; бюджет, потребление, социальный; государство; финансы; контроль; экономика; организация, коррупция.

ANNOTATION:

The article examines the work of financial control bodies against embezzlement, misuse of state budget funds in modern conditions. An attempt is made to consider the issues of further improving the theoretical and practical aspects of the activities of financial control bodies. The author draws attention to the possibility of studying the foreign experience of financial organizations. The article puts forward a proposal on the need to use innovative methods of the digital economy in the work of financial control bodies.

Keywords: Law; budget, consumption, social; the state; finance; control; economics; organization, corruption.

Мамлакатимизни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган демократик ислохотларни амалга ошириш шароитида молия, солиқ ва божхона органларининг ҳамкорликдаги самарали фаолияти муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Таҳлиллар тасдиқлайдики, мазкур ташкилотлар фаолиятида, ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар моҳияти ва вазифаларига мос бўлмаган ва халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайдиган қарашлар ва муносабатлар, ижро интизомининг бузилиш ҳолатлари мавжуд. Молиявий тизимдаги бундай вазият ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жадал амалга оширилишига муайян даражада халақит берувчи омил ҳисобланади.

Хусусан, молия органларининг ташкилий ва назорат фаолияти куйи бўғинлардаги яъни, вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий тизимдаги объектив вазиятни, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда, эришилган ижобий молия-иқтисодий кўрсаткичларга таяниш ва уларни иқтисодий ахборотлар базасига киритиш давом эттирилмоқда, Мазкур салбий ҳолат эса ўз навбатида иқтисодиётни бошқаришнинг инновацион методларини жорий этишга ва реал бозор иқтисодиёти муносабатларининг амалиётда жорий этилиши жараёнига тўсқинлик қилмоқда. Шу боисдан, ижтимоий иқтисодий соҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштириш учун давлат молиявий назорати шаклларини такомиллаштириш, инновацион талаблар, рақамли иқтисодиёт талаблари асосида ташкил қилиш вазифаси илгари сурилади.

Давлат молиявий назорати мамлакатнинг молия сиёсатини амалга оширишга, уни ислохотлар талабларига мос суратда ташкил қилади ва тармоқларда молиявий барқарорлик учун зарур бўлган шароитларни яратишга хизмат қилади. Бу жараён, барча даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхоналар, муассасалар, банклар ва дав-

лат бюджетидан молиялаштириладиган бошқа ташкилотлар фаолиятидаги бюджет маблағларини харажат қилиш, тўғри тақсимлаш, фойдаланиш тизими устидан назоратни англади. Бундай жараёнда умуммиллий иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан белгиланган бўлса, давлат молиявий назорати ходимлари, давлат ташкилотларида ва хусусий секторда назорат тафтиш тадбирлари ва мониторингни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг нодавлат секторидан давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат давомида тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар эътиборга олинади. Шу билан биргаликда ташкилот ва муассасаларнинг давлат олдидаги молиявий мажбуриятларининг бажарилиши, улар фаолияти учун ажратилган бюджет маблағларини сарфлашда мақсадга мувофиқлилик ва белгиланган ҳуқуқий нормаларга риоя қилиниши лозим. Шунингдек, давлат томонидан белгиланган молиявий харажат шакллари ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоботни юритишнинг норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Тараққий этган давлатларда молиявий назорат тизими асосан қуйидаги бўғинлардан ташкил топган:

- бевосита мамлакатнинг парламенти ёки Президентига бўйсунувчи ҳисоб палатаси фаолият юритади. Бу ташкилотнинг бош мақсади давлатдан ажратилган бюджет маблағларининг сарфланиши, харажат тизими устидан умумий назоратни ўрнатилишдан иборат;

- солиқ идоралари орқали ундирилган даромадларнинг давлат бюджетига келиб тушишини назорат қилади ва мамлакат Президентига, ҳукумат ёки молия вазирлигига бўйсунувчи муассасасидир;

- қўйи ташкилотлар фаолиятини текширувчи ва тафтиш қилувчи давлат ташкилотлари таркибидаги назорат қилувчи органлар;

- ҳисобот ҳужжатларининг ишончилигини ва молиявий операцияларнинг қонунийлигини назорат қиладиган нодавлат назорат хизматлари;

- бюджетдан ажратиладиган харажатларни қисқарттириш, молиявий оқимларни оптималлаштириш ва фойдани оширишга мўлжалланган ички назорат хизмати. Утиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий назорат тизими баъзи бир махсус органларни ҳам қамраб олади. Уларга Марказий банк, Давлат божхона қўмитасини киритиш мумкин.

Иқтисодиётнинг янги ривожланиш босқичи даврида давлат молиявий назорат тизими олдида турган асосий вазифалар қуйидагиларни ташкил қилади.



Биринчидан, молиявий фондлар маблағлари ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мутаносибликка таъсир кўрсатиш.

Иккинчидан, ташкилот ва муассасаларнинг давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлашни назорат қилиш.

Учинчидан, молиявий манбаларни оширишнинг ички ҳўжалик резервларини қидириб топишдан иборатдир.

Давлат молиявий назорати органи мустақил фаолият юритади, шу жумладан молиявий жиҳатдан ҳам юридик шахсдир. Шунингдек, назорат органи сифатида, амалдаги қонунчиликка бўйсунуш хусусиятига эгадир. Обьективлик ва компетентлик назоратчилар томонидан амалдаги қонунчиликка сўзсиз итоат этилиши, тафтиш ишларини амалга оширишнинг белгиланган андозаларига риоя этиш, назоратчилар фаолиятининг юқори касбий талаблар даражасида ташкил этилишини тақозо этади. Ошкоралик тамойили, давлат молия назоратчиларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлишини кўзда тутди. Ана шу асосий тамойиллардан амалий характер касб этувчи молиявий назоратнинг қуйидаги вазифалари ҳам келиб чиқиши мумкин:

- натижаллик;

- назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва манتيқийлиги;

- назорат субъектларининг коррупциядан холилиги;

- назорат ва тафтиш хулосаларида келтирилган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги;

- молиявий камчиликлар, қонунбузарлик ҳолатларининг огоҳлантирилувчанлиги;

- иқтисодий қонунбузарлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбисизлик (судга-ча) презумпцияси;

- назорат органлари фаолиятининг мувофиқлаштирувчанлиги.



Молиявий назоратни ташкил қилиш тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи қонунлар қабул қила туриб, давлат ташкилотлари юқоридаги тамойилларга таянади. Бир вақтнинг ўзиде, молиявий назорат ҳаракатларининг ўз регламенти мавжуд бўлиб, бундай ҳолат давлат молиявий назоратининг натижаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бу борада мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 170-моддасига мувофиқ, давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратига доир ҳужжатларда белгиланганки, қонун ҳужжатлари билан ёки давлат молиявий назорати жараёнида амалга оширилган тадбирлар натижалари билан тасдиқланмаган хулосаларни, фактларни, давлат молиявий назорати объекти ҳисобланган мансабдор шахсларнинг фаолиятига оид материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига чора кўриш учун юборилмайди. Давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжатда давлат молиявий назорати объектининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаслиги, шунингдек уларнинг қилмишлари, ниятлари ва мақсадлари тавсифланмаслиги лозим. Давлат молиявий назоратининг натижаларига доир ҳужжатлар давлат молиявий назоратини ўтказган мансабдор шахслар, шунингдек давлат молиявий назорати объектининг мансабдор ва масъул шахслари томонидан имзоланади. Давлат молиявий назорати объектининг мансабдор ва масъул шахслари давлат молиявий назорати натижаларига рози бўлмаган тақдирда, ҳужжатни ўз эътирозлари билан имзолайди ҳамда ўн кунлик муддат ичида эътирозларини давлат молиявий назорат органига ёзма шаклда тақдим этади.

Давлат молиявий назорати объекти томонидан эътирозлар ўн кунлик муддатда ёзма шаклда тақдим этилмаган тақдирда, давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжат давлат молиявий назорати объекти томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади ҳамда давлат молиявий назорат органи томонидан уни амалга ошириш чоралари кўрилади. Давлат молиявий назорати объекти судга мурожаат этган тақдирда, ўзининг судга мурожаат этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ўн кунлик муддатда давлат молиявий назорат органига тақдим этиши шарт. Суд томонидан давлат молиявий назорати объектининг мурожаати хусусида қарор қабул қилингунига қадар давлат молиявий назорат органи давлат молиявий назорати натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатнинг низоли бандларга тегишли қисми юзасидан амалга оширилишини тўхтатиб туради. Давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳолислиги ва тўлиқлиги давлат молиявий назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Давлат молиявий назоратидаги асосий эътиборни молиявий тизимда ҳуқуқий талабларни амалга ошириш жараёнида фуқаролар ҳуқуқларининг бузилмаслиги ва зарур ҳолларда тикланиши, давлат манфаатларининг таъминланиши, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш, талон-тарож қилмаслик, мутасаддилар томонидан, шахсий манфаатлари учун ўзлаштирмаслик, коррупциянинг бошқа шаклларига йўл қўймаслик ҳолатларининг олдини олиш ва молиявий назорат натижаларида келтирилган камчилликларни бартараф этилишига қаратишни тизимли амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Нодир ҲАКИМОВ,

*Ташкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси, магистр*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон" 2018, 122 модда;
2. Закон Республики Узбекистан "О счетной палате Республики Узбекистан". Национальная база данных законодательства, 02.07.2019 г., № 3/19/546/3359;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 30.12.2020 <https://review.uz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>;
4. Постановление Президента Республики Узбекистан "О дальнейшем совершенствовании механизма финансирования образовательных и медицинских учреждений и системы государственного финансового контроля" от 21 августа 2017 года. (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 35, ст. 920);
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. "Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 24 октябрь. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2017 й., 09/17/870/0175-сон.).

ВИЖДОННИНГ

БАҲОСИ

Йил оғир келиб, Басрада буғдой яхши бўлмади, халқ жуда қийналди. Бағдодлик бир савдогар басралик савдогар дўстига бир кемада буғдой билан хат жўнатди. Хатда “Аллоҳ йўлидаги азиз биродарим! Басрада буғдой кам бўлиб, халқнинг оғир кунда қолганидан хабардормиз. Сизга бир кемада буғдой жўнатдим, шуни икки тангадан сотиб, пулини жўнатарсиз, деб умид қиламан. Харажатларингизни фойда ичидан олинг. Барчамизнинг ишимизда Жаноби ҳақ мададкор бўлиб, Ўзи адашишдан сақлаб, савдо-мизга баракот ато этсин! Биродарингиз!” деб ёзди.

Басралик савдогар буғдойларни жуда яхши баҳога сотди ва пулларни биродарини хурсанд қилувчи мактуб билан бирга жўнатди. Мактубда шундай сўзлар бор эди: “Азиз дўстим! Юборган буғдойларингизни бекаму-кўст олдим. Икки ҳафта кутгандим, бозорда буғдой нархи жуда яхши кўтарилгач, икки тангадан эмас, тўрт тангадан сотдим. Пулларни жўнатдим, эҳтиром ила дўстингиз”.

Бу мактуб ва пулларни олгач, бағдодлик савдогарнинг кайфияти бузилди ва басралик дўстига мактуб битди: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух! Мак-

тубингизни олиб, жуда қаттиқ хафа бўлдим. Бу буғдойларни басралик биродарларимиз турмушини енгиллатиш учун юборгандим. Икки баробар нархга сотиб, мени Аллоҳ олдида катта гуноҳкор қилиб қўйдингиз. Бу гуноҳимни қандай қилиб юваман? Сиз юборган пулларни қайтариб жўнатяпман, уларни басралик бева-бечораларга тарқатинг. Мен эса тавба қилиш учун Маккага кетяпман. Сиз насибамга ҳаром аралаштириб, мени гуноҳга қолдириб, қаттиқ оғринтирддингиз. Шу боисдан сиз билан дўстлигимиз ришталари узилди. Сиз ҳам тавба қилинг, шояд гуноҳларимиз мағфират этилса...”





Олим ҲАЙИТОВ,
Самарқанд вилоят
суди раиси

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ – ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУҲИМ ТАМОЙИЛ

2021 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистон қонунчилиги тарихида бўлмаган янгиликларни жорий этмоқда. Ривожланган давлатлар юрисдикциясида турли кўри-нишларда муваффақиятли қўлланилиб келинаётган мазкур амалиётлар миллий қонунчилигимизга, қолаверса миллий менталитетимизга мослаштириб ишлаб чиқилди. Бу тартиб жуда кўп ортиқча ташвишларнинг олдини олади.

Қонун билан “Кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш” деб номланган янги амалиёт жорий этилди. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш – гувоҳ ва жабрланувчини ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига кўра сўроқ қилиш бўлиб, суд томонидан амалга оширилади.

Амалиётдан маълумки, баъзан бир неча ойлаб давом этадиган тергов ва суд жараёнларида гувоҳлар ёки жабрланувчилар бошдан охиригача тўлиқ иштирок эта олмаслиги мумкин. Чунки ҳаёт бир хил давом этмайди, турли тасодифларга тўла. Иссиқ жоннинг иситмаси бор, деганларидек, турли касалликлар ва бошқа оқибатлар туфайли гувоҳлардан бири ёки жабрланувчи энг керакли пайтда терговда иштирок этолмай қолиши мумкин. Шунингдек, бугунги жадал ривожланаётган ва глобаллашаётган даврда ҳаёт ташвишлари кутиб турмайди. Тадбиркорлик ва бошқа сабаблар билан хорижий давлатларга чиқиб кетиши керак бўлган шахслар бир неча ойлаб тергов ва суд жараёнлари тугагини кута олмаслиги ҳам бор гап. Қолаверса, одамзотнинг характери ҳар хил, кечаги гапидан бугун тонадиганлар, турли тазйиқ ёки оғдириш, рағбатлантиришлар туфайли фикри ўзгариб қоладиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Шундай пайтда тергов органида қайсидир гувоҳга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин. Жиноят ишларида эса ҳар бир кўрсатув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Илгари шу каби яна турли хил кутилмаган ва кўзда тутилмаган ҳолатлар тергов ва суд жараёнларида катта муаммога айланарди, ҳаттоки иш боши берк кўчага кириб қолган пайтлар бўлган.

Тергов жараёни мукамал бўлишига ҳалақит берувчи юқоридагиларга ўхшаш ҳолатлар вужудга келганда, гувоҳ ёки жабрланувчини ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади, деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда тергов органи гувоҳлар ёки жабрланувчилардан бирининг кўрсатувини мустаҳкамлаб қўйиш масаласида судга муурожаат қилиши, суд тергов органи келтирган

асосларни ўрганиб чиққач, тегишли тартибда кўрсатувни мустаҳкамлаб қўйиши мумкин.

Қонунда кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш асослари, тартиби, шартлари батафсил кўрсатиб берилган.

Қонунчиликка жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, деб номланган яна бир муҳим янгилик киритилди. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув – жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов далолатномаси ёки хулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Дастлабки эшитув суриштирув одил судловга киришишнинг дебочаси бўлиб, энг муҳим тамойил — тортишув принципи асосида амалга ошириладиган процессуал жараён. Чунки ҳақиқат баҳсларда, тортишувларда очилади.

Судья жиноят ишини қабул қилиб олгач, аввало унинг ўзи фаолият юритаётган суд судловига тегишлигини аниқлайди. Кейин жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш масаласини кўриб чиқади. Мана шу ерда ҳақиқий мураккаблик юзага келар эди. Судья яқка тартибда, тарафлар иштирокисиз жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлаши деярли имконсиз ҳолат. Шу пайтда тарафлар иштирок этганда тортишув ҳолати юзага келади ва тўғри хулосага келиш мумкин бўлади. Амалиётда шундай эдики, судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турса-да, ноилож жиноят ишини судда кўриш учун тайинлар эди. Сўнг суд мажлисида — тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинарди. Бу эса қанчадан-қанча оворагарчилик, иш вақти, суд ходимларининг беҳуда меҳнатидир.

Бу вазиятнинг тўла ечими – жиноят ишини судга тайинлаш босқичини тарафларнинг фаол ишти-

роки ва тортишув принципини реал таъминловчи дастлабки эшитув шаклида ташкил этишдир. Демак, дастлабки эшитув жорий этилиши суд, дастлабки тергов органлари ҳамда фуқароларнинг вақти ва саъй-ҳаракатларининг тежалиши, жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тез фурсатда тикланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича айбга иқрорлик тўғрисида келишув жорий қилинди.

Дастлабки эшитув – суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланиб, тортишув принципи асосида амалга оширилади. Жиноят ишларини сифат нуқтаи назаридан тарафлар иштирокида ўрганилишининг бирламчи майдони ҳам, ҳимоя тарафининг суднинг эътиборини тергов хатоларига қаратиши асосида айблов базасини номақбул далиллардан ҳоли қилиш ҳам айнан дастлабки эшитувда бўлиб ўтади. Натижада, суд муҳокамасига фақат судда кўрилишга тайёр бўлган сифатли жиноят ишлари ўтади. Бундай янги тартиб қандай самара беради? Эндиликда тергов сифатсиз бўлганлиги сабабли жиноят ишининг асосий суд муҳокамасига етиб бормаслиги хавфини англаган дастлабки тергов органи тергов сифатини таъминлашдан асосий “манфаатдор” субъект сифатида, исботлаш жараёнида номақбул усулларни қўллашдан тийилади, терговда жиноят ишининг тугатилиши ва тўхтатилиши эҳтимолларини янада пухтароқ аниқлайди, ҳимоянинг важлари ва эътирозларини жиддий ўрганиб, улар билан ҳисоблашишни бошлайди. Бу эса албатта тергов сифатини таъминлаш билан биргаликда суд жараёнини фаоллаштиради, жонлантиради, айблов тарафини зийрак тортишга, суд процессига пухта тайёргарлик кўришга мажбур этади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув айрим тоифадаги жиноятлар бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноят ишини юртишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Ушбу тоифадаги жиноят ишлари соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиб, фуқароларнинг ортиқча оврагарчилигининг олдини олиниши кўзда тутилган.

Қонунда бу жараённинг тартиблари мукамал белгилаб берилган.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — айбланувчининг содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ



жазо тайинланишига эришиш, шунинг баробарида, кўплаб сансалорликларга сабаб бўладиган узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдан иборатдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят содир этишда гумон қилинган шахс билан прокурор ўртасида тузилади. Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи айбловни тан олган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим.

Бундай келишувлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар юзасидан тузилади, ўта оғир жиноят содир этган шахслар билан келишув тузишга йўл қўйилмайди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг ижобий жиҳатларидан асосийлари тарафлар ўртасидаги зиддиятли муносабатларнинг юмшаши ҳамда судлов ва айблов органларининг вақти ва маблағлари тежалиши, яъни иш юкласи камайишидир.

Айнан айбланувчи томонидан айбнинг тан олиниши унинг ижтимоий хавфи қилмиши юзасидан суд муҳокамасидан воз кечганини англатади.

Мазкур келишув натижасида айбланувчининг айблов доираси қисқартирилиши ёки ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва квалификациянинг енгилроқ томонга йўналтирилиши, жазо ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи тайинланиши мумкин.

Қонунчилигимизга биноан жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқрорлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда жиноят бўйича тайинланадиган жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида ёки қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Қонунчиликдаги ушбу янгилликлар суд-ҳуқуқ тизимида янги даврни бошлаб беради. Мазкур янгиллик қонун устуворлиги ва адолат тантанаси, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини юқори даражага кўтариб, одамлар рози бўлиши учун хизмат қилади.

РАҚАМЛИ РЕАЛЛИК ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ САРМОЯ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Рақамли ижтимоий сармоядан самарали фойдаланиш ва унинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш мақсадида ижтимоий сармоя ва тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий рағбатлантириш тушунчаси, аҳамияти ва унинг вазифасини тадқиқ этиш зарурияти вужудга келмоқда. Шунингдек, ижтимоий сармоя ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг жозибadorлигини оширишда ҳуқуқий рағбатлантириш тизими ва унинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида таъсирчан восита сифатида моҳиятини ёритиш лозим.

Айниқса, рақамли реаллик шароитида ижтимоий сармоя ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда давлат томонидан берилган имтиёз ва энгилликларни илмий-назарий туркумлаштириш асосларини ишлаб чиқиш айти муддаодир. Шу аснода, ижтимоий сармоя ва ижтимоий тадбиркорлик соҳасида фаолиятни ташкил этиш, амалга ошириш ва уни тўхтатиш (бекор қилиш) тугатишда имтиёз ва рағбатлантиришларни тизимли тадқиқ этиш, унинг илмий-методологик асосларини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, махсус иқтисодий ҳудудларда тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва энгилликлар ижтимоий сармоя таваккалчилиги ва жозибadorлигини оширишга хизмат қилади. Халқаро молия институтлари ва ташкилотлари томонидан берилган сармоя маблағларидан ва кредитларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ижтимоий сармоянинг жозибadorлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли реаллик шароитида ижтимоий сармоя ва ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва жозибadorлигини ошириш борасидаги хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий базасини тизимли таҳлил этиш ўз

навбатида, мамлакатимизда унинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ижтимоий инвестиция ва ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришда давлат томонидан тартибга солишнинг воситаларидан фойдаланилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Маълумки, мамлакатнинг баъзи ҳудудларида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг имконияти бир мунча қийин. Шу сабабли, ҳудудларда ижтимоий инвестиция ва ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг жозибadorлигини ошириш мақсадида давлатнинг инвестиция сиёсати концепциясини белгилашнинг аҳамияти катта. Бундай ҳудудларда ижтимоий инвестиция жозибadorлигини оширишда ҳуқуқий рағбатлантирувчи восита ва чоралардан самарали фойдаланиш ва бу ҳақдаги нормаларни устувор қонун ҳужжатларида назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий инвестицияни фақат даромадни қўллаб-қувватлашга устуворлик берувчи анъанавий пассив давлатдан инсон ва ижтимоий капитални ривожлантиришга боғлиқ иқтисодий имконият ва истиқболни таъминлайдиган давлатга ўтиш ҳақидаги ғоя ва қарашларнинг аҳамияти жуда катта.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал қилиш мумкин деб ўйлайди. Бу бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбағалликни камайитириш – бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича мураккаб иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир. Шу мақсадда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Сўнги тарихий аҳамиятга молик янгиликка эътибор берадиган



бўлсак, Ўзбекистон GSP+ дастурига аъзо бўлганлиги жаҳон ёки Европа бозорига ўзимизнинг маҳсулотларимизни чиқаришда кенг имкониятлар яратади. Шу вақтга қадар Европа Иттифоқи GSP+дастурига Арманистон, Боливия, Кабо-Верде, Қирғизистон, Мўғилистон, Покистон, Филиппин, Шри-Ланка давлатлари тўлиқ аъзо ҳисобланади. Бу дастур Европа Иттифоқи бозорларига ривожланаётган мамлакатлардан келатган қишлоқ хўжалиги ва бошқа айрим турдаги маҳсулотлар экспортига берилган имтиёзлардир. Дастурга тўлиқ аъзо бўлган давлат Европа Иттифоқи бозорларига 3000 га яқин маҳсулотларни божхона тўловларисиз, 3200 турдаги маҳсулотларни эса пасайтирилган миқдор бўйича сотиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимизнинг қайд этилган дастурга аъзолиги ижтимоий инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятининг кўплаб ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда чет эл хусусий инвестициясининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш ва уларни рағбатлантириш кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Ривожланган давлатларда чет эл инвестициясини рағбатлантириш амалиётида молиявий воситалар устуворликка эга, ривожланаётган ўтиш иқтисодийётига асосланган давлатларда рағбатлантиришни молиявий ёки солиқ воситаларидан фойдаланилади. Сўнггиси, кўпроқ импорт ишлаб чиқаришга бож тўлови имтиёзлари (ривожланган давлатларда кўплаб турдаги саноат асҳаларига божнинг юқори миқдори кам самара беради), фойдадан корпоратив солиқ миқдорини камайтириш каби солиқ имтиёзларидан фойдаланилади. Имтиёзлар (асосан, солиқ) индивидуал тусга эга. Уни қўллаш соҳани хусусиятига ёки корхонани экспортга ихтисослашганлигига боғлиқдир. Энг асосийси, илмий ва технологик ҳажмдор соҳаларга устуворлик берилади.

Хорижий давлатларда ижтимоий инвестиция жозибаторлигини оширишда нодавлат қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жавобгарлик, энг салоҳиятли потенциал бизнес намояндаларининг номи билан аталадиган жамғармалар ташкил этиш (АҚШда ижтимоий корхоналарни қўллаб-қувватловчи уюшма ташкил этилган); кичик бизнесни банк кредити билан қўллаб-қувватлаш (Жанубий Корея); ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар ташкил этиш (Жанубий Корея); ижтимоий инвестицияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун мустақил молиявий ташкилотлар тузиш (Big Societe Capital 2012 йил) (Буюк Британия) кабилар муҳим ўрин тутлади.

Хорижий давлатларнинг рақамли ижтимоий инвестициядан самарали фойдаланиш ва уни рағбатлантиришга оид илғор тажрибасини



инобатга олиб мамлакатимизда уни ривожлантириш бўйича бир қатор ташкилий ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш истиқболли масалалардан бўлиб ҳисобланади. Шу боис, ижтимоий инвестициядан ижтимоий тадбиркорлик фаолиятида кенг ва самарали фойдаланиш ва унинг жозибаторлигини ошириш талаб этилади. Шунингдек, рақамли ижтимоий инвестицияни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш объектив зарурият. Ижтимоий соҳа ва ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмлари етарли даражада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифода этиб берилмаган. Ижтимоий инвестиция фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, аҳолига саҳоват ва кўмак кўрсатиш самарадорлиги ва таъсирчан рағбатлантирувчи ҳуқуқий имтиёз ва енгилликларни назарда тутиш айниқса, бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида ижтимоий корхона ҳуқуқ субъектчилигини аниқ белгилаш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ижтимоий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш нафақат бюджет маблағларини тежаш, балки ҳуқуқий рағбатлантирувчи воситалардан фойдаланган ҳолда янги институт бўлмиш ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли реаллик шароитида ижтимоий инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштирилиши мамлакатимизнинг ижтимоий соҳадаги кўплаб муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шаҳноза НУРАЛИЕВА,

*Тошкент давлат юридик университети
магистранти*



**Сарваржон
ЎРАЛОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси ИИБ
Академияси
Ўқитувчиси, катта
лейтенант

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲ АДВОКАТИНИ РАД ЭТИШ МУМКИНМИ?

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичида жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларда жиноят процесси иштирокчилари томонидан гувоҳнинг адвокати рад этиш масаласи, шунингдек гувоҳнинг адвокати томонидан процесснинг бошқа иштирокчиларини жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда уларни рад этиш масаласи, бундан ташқари гувоҳнинг адвокатига Жиноят процессуал кодексиде белгилаб берилган ҳуқуқлари ҳамда унинг мажбуриятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар, рад қилиш, ўзини рад этиш, гувоҳнинг адвокати.

Тарихдан маълум, инсоният ўзининг қариндошлари, яқинлари учун жон куйдириб яшайди. Жамият шаклланиши даврида оила, қабила, қабилалар бирлашуви ва давлат тушунчалари кетма-кет шаклланиб келган. Ҳар бир босқичда шахс аввало оиласини, шунингдек яқинларининг манфаатларини кўзлаб ҳаёт кечириб келган. Қонунчилик ривожлангани сари холисликни таъминлаш мақсадида – жиноят ишини юритиш мобайнида қариндош уруғчилик, ошна-оғайничилик муносабатлари бузилмаслигини, шу ўринда жиноят ишини юритишга жиддий таъсир ўтказишининг олдини олиш ва бу орқали жиноят ишининг тақдири адолатли ечим топишига эришиш мақсадида ушбу институт киритилганлиги барчамизга аён. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар институтининг мавжудлиги процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар институти билан

муайян жиноят процесси иштирокчиларининг иштироки чекланиши мумкин.

Маълумки, жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувчи амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суд мажлиси котиби этиб белгиланган. Шунингдек, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари этиб эса жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмаси, жамоатнинг бошқа вакиллари, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар эса эксперт, мутахассис, таржимон, холидир.

Шу билан бирга, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар, ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий давогарнинг вакили, фуқаровий жавобгарнинг вакилидир.

Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда юқорида номлари қайд этилган процесс иштирокчиларининг, ишнинг натижасидан манфаати бўлмаган бошқа иштирокчи билан алмаштириш мумкин. Чунки, ушбу процесс иштирокчилари ишнинг натижасига бевосита таъсир ўтказиш эҳтимоли бор. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар институти билан деярли барча иштирокчилар доираси қамраб олинган. Лекин, эътиборли томони шундаки, юқорида номлари қайд этилган “процесснинг бошқа иштирокчилари” қаторида гувоҳнинг адвокати қайд этилмаган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: гувоҳнинг адвокати жиноят ишига ўз таъсирини ўтказа оладими?



Жиноят-процессуал кодексида гувоҳнинг адвокати “жиноят ишида иштирок этувчи бошқа шахслар” қаторига киритилган. Масаланинг мазмунига чуқурроқ кириш учун ушбу иштирокчиларни яқинроқ ўрганишимиз лозим.

Жиноят процессида ушбу иштирокчиларни шартли равишда икки гуруҳга бўлишимиз мумкин. Биринчи гуруҳ вакиллари далил манбаи ҳисобланади. Уларга гувоҳ ва экспертларни киритишимиз мумкин. Иккинчи гуруҳ вакиллари ҳақиқатни аниқлаш ва ишни мазмунан кўриб чиқишда техник ёрдам кўрсатадиганлар. Уларга мутахассис, холис, таржимон киради.

Юқорида келтирилган шахсларнинг жиноят процессида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар қонунда аниқ кўрсатилган. Аммо жиноят процессида иштирок этувчи гувоҳнинг адвокати масаласи очиқ қолдирилган.


Амалиётда жиноят ишлари бўйича айбланувчи ёки гумонланувчиларнинг мазкур жиноят бўйича илгари гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганликларини кўплаб учратишимиз мумкин. Шу муносабат билан гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим эканлигини кўрамиз. Қонунда гувоҳ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида адвокат иштирок этиши мумкинлиги белгилаб ўтилган. Унга қуйидагича таъриф берилган:

Гувоҳнинг адвокати: белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас.

Гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади.

Гувоҳнинг адвокати: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш; гувоҳнинг сўроқ қилинишида, шунингдек у иштироки билан ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш; сўроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига кирити-



лиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Жиноят-процессуал кодексида гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги юқорида таъкидланганидек процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдаги мувозанатни бузилишига сабаб бўлади.

Қонунда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек унга юридик ёрдам бериш масаласи етарлича ёритилган. Аммо гувоҳ адвокати Жиноят-процессуал кодексининг 7-бобида рад этилиши мумкин бўлган иштирокчи сифатида акс эттирилмаган. Жиноят-процессуал кодексининг 78-моддасига кўра, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (эксперт, мутахассис, таржимон, холис) асослар мавжуд бўлганда мазкур иш бўйича қатнаша олмайди.

Мажбурият нуқтаи назаридан бошқа процесс иштирокчиларидан фарқли равишда гувоҳ адвокатиغا Жиноят-процессуал кодексининг 78-моддасида келтириб ўтилган талаблар тааллуқли эмаслигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 80-моддаси (Рад қилиш ва ўзини ўзи рад этиш ҳамда уларни ҳал қилиш тартиби) да мазкур кодекснинг 76 – 79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бошқа процесс иштирокчиларидан фарқли равишда гувоҳнинг адвокати процесс иштирокчиларини рад этиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилмаган.

Бу эса қуйидаги саволлар келиб чиқишига сабаб бўлади:

агар гувоҳнинг адвокати жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қариндоши бўлса-чи?

агар у жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи субъектларнинг (жабрланувчи, фуқаровий давогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг) қариндоши бўлса-чи?

жиноят иши юзасидан Жиноят-процессуал кодексининг 7-бобида келтириб ўтилган асослар гувоҳ адвокати томонидан аниқланган тақдирда, процесс иштирокчиларини (гувоҳнинг таржимонидан ташқари) рад этиш ҳақида мурожаат қилишга ҳақлими?

Юқоридаги саволлар жиноят ишининг тақдирига жиддий таъсир кўрсатади. Албатта, бу саволларнинг туғилиши ўз-ўзидан мазкур нормаларда камчиликлар етарлича эканлигидан дарак беради. Бу эса, ўз ўрнида қонунчилигини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини чуқур ўрганиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 66¹-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

*Таҳқир билан доно
кам бўлмас мутлақ,
Мақтов билан етук
бўлмайди ахмоқ,
“Тўтинома”
Ватанга муҳаббатни
шовқин-сурон билан
эмас, меҳнат билан
исбот этадилар.
В. ИВАНОВ*

“Гувоҳнинг адвокати ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.”

Ушбу ўзгариш жиноят ишини юритиш мобайнида томонларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг 80-моддаси биринчи қисмида рад қилиш ҳамда мурожаат қилишга ҳақли субъектларнинг қаторига “гувоҳнинг адвокати”ни ҳам киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев: Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак/ <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyev-hal-davlat-organlariga-emas-davlat-organlari-hal-a-hizmat-ilishi-kerak> (Мурожаат қилинган сана: 30.01.2021).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 йил/ <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Мурожаат қилинган сана: 20.01.2021)
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси/ <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2021)
4. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ПАКТ О ГРАЖДАНСКИХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРАВАХ/ <https://lex.uz/docs/2638212> (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2021)
5. ЕВРОПЕЙСКАЯ КОНВЕНЦИЯ О ЗАЩИТЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И ОСНОВНЫХ СВОБОД/ <https://www.coe.int/ru/web/compass/the-european-convention-on-human-rights-and-its-protocols> (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2021)
6. Декларация о праве и обязанности отдельных лиц, групп и органов общества поощрять и защищать общепризнанные права человека и основные свободы / https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/defender.shtml (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2021)
7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ “ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА” / <https://lex.uz/docs/3679092> ((Мурожаат қилинган сана: 01.02.2021)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” / <https://lex.uz/docs/3735818> ((Мурожаат қилинган сана: 22.01.2021)
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлигини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017.
10. Жамоатчилик назорати: назария ва амалиёт / Масъул муҳаррирлар: фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.О. Мамадалиев, тарих фанлари доктори, профессор К.Норматов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия, 2017.
11. Сахаддинов “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар”. “Янги аср авлоди”, 2014 йил.
12. Жиноят-процессуал ҳуқуқ, Дарслик. Тошкент-2019
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: www.lex.uz.
14. Большой юридический словарь. — М.: Инфра-М. А. Я. Сухарев, В. Е. Крутских, А.Я. Сухарева. 2003.
15. Декларация о праве и обязанности отдельных лиц, групп и органов общества поощрять и защищать общепризнанные права человека и основные свободы / https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/defender.shtml (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2021)

ОИЛА АЪЗОЛАРИ УЙ-ЖОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Бугунги кунда эр-хотиннинг оилавий мажбуриятларини бажармасликлари оқибатида ажралишлар сони ортиб бормоқда. Фикримизча, амалдаги Оила кодексига оилавий мажбуриятларни бажармаганлик учун махсус жавобгарлик чораларининг белгиланмаганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Бунда уй-жой муносабатларининг субъекти сифатида оила аъзолари алоҳида ўрин эгаллайди.



Озода ШАМСИДДИНОВА,
Судьялар олий мактаби таянч докторанти

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 5-моддасида кўрсатилишича, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши (тугаши) ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди, оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

Бундан кўринадики, Оила кодекси мазмунида эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) кўрсатилади. Шу билан бирга Оила кодексининг 57-моддаси қариндошликни тўғри шажара ҳамда ён шажара бўйича фарқлайди.

Л.М.Пчелинцеванинг таъкидлашича, оила тушунчасининг Оила кодексига киритилиши ва унда оила аъзолари доирасига кирувчи шахсларни аниқлаштирилиши уларнинг ҳуқуқлари бузилишига ва асоссиз равишда оила аъзолари доирасини кенгайтишига олиб келади. Ушбу фикрда муайян даражада маъно мужассамланган деб айтиш мумкин. Чунки, у ёки бу тушунчани белгилашда ҳаддан зиёд эътибор қаратилиши турлича ёндашувларни ва тушунча доирасининг асоссиз равишда кенгайтишига ҳам олиб келиши мумкин.

Бу борада Жиноят кодекси янада илгарилаб, яқин қариндошлар доирасига қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингилларини ҳам киритади. Бунда турли коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш мақсадида оила аъзоларининг доираси янада кенгайтирилган. Ваҳоланки, жиноят содир этилиши фақатгина қариндошлик ёки оила аъзолари доираси билан қатъий боғлиқ бўлмайди.

Назаримизда, оила ва жиноят қонунчилигида белгиланган қариндошлик фарқ қилмаслиги керак. Аввало, Оила кодексининг бу борадаги ўрни ва вазифаси,

принципиал масалаларни ҳал қилишда унда устунлик мавжуд бўлиши эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Оила аъзоларининг турар жойлардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларини батафсил тартибга солиш эҳтиёжи сезилмоқда.

Уй-жой кодексининг 32-моддасида турар-жойда яшовчи оила аъзоларига таъриф мавжуд. Унга кўра, турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Шу билан бирга тарафларнинг келишувига кўра, оила аъзолари доираси маълум даражада кенгайтишига ҳам имконият мавжуд. Ушбу моддада белгиланишича, эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган оилали фарзандлари ва уларнинг эр-хотини, агар улар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлса, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзолари деб тан олинаши мумкин.

Бундан ташқари, уй-жой қонунчилиги меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топилишлари мумкинлигини назарда тутди (Уй-жой кодексининг 32-моддаси).

Меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар (доимий тирикчилик манбаига эга бўлмаган шахслар вояга етмаган болалар, вояга етган болалар, вояга етган ногиронлар, 55 ёшдан ошган аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар), шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган (умумий ягона рўзғор – овқатланиши, томорқада ишлаш, ўз моддий маблағлари, саъй-ҳаракатлари билан умумий эҳтиёжларини таъминлашда иштирок этиш, ўз талабларини қаноатлантириш, бир-бирлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва ҳ.к) бўлсалар ва унинг турар жойда доимий яшашга рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин. (масалан, суд томонидан)¹.

Юқоридаги нормалардан кўринадики, оила аъзолари фақат турар жойда яшаш ҳуқуқи нуқтаи назаридан аниқланади ва унинг доирасини қонун нормасида белгилаш билан бир қаторда тарафлар келишуви асосида ҳам оила аъзолари доирасини кенгайтириш мумкинлиги кўзга ташланади. Бу ўринда фақат ягона мақсад

оила аъзоларининг турар жойдан фойдаланиш мақсадида берилган оила аъзолари тушунчаси белгиланади.

Фикримизча, “оила аъзоси” тушунчасининг мавжуд эмаслиги мулкдор томонидан турли ҳуқуқий вазиятларга, низоларга нисбатан турлича ёндашишга сабаб бўлади. Бу эса, табиийки, нафақат оила аъзоларининг, балки турли сабабларга кўра мулкдор билан бирга яшовчи шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатади.

Қонунчиликда оила аъзоларининг муайян ҳуқуқларга эгаллиги ва улар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Судлар тўғрисида”**ги Қонунида судьянинг оила аъзоларини муҳофаза қилиниши (70-модда), судьянинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади (76-модда) деб белгиланган⁴. Бу ўринда қонунда оила аъзоларига тушунча берилмаган.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги **“Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги қарорининг 17-бандига кўра, Уй-жой кодексининг 32-моддасида қайд этилган шахслар, агар уларни уйга кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги хоналардан, квартиралардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар-жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишлари, оиланинг бошқа аъзоларини эса уйга (квартирага), мулкдорнинг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам, уларда турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Мазкур қарорнинг 5-бандида мулкдорнинг оила аъзолари деб, у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунинг-

дек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар-жойига рўйхатдан ўтган бўлсалар, мулкдорнинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин.

Аксарият ҳолларда судларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида даъво аризалар тақдим қилинади. Бундай ҳолларда нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисобланади.

Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ва оила аъзоларининг ундан фойдаланиш ҳуқуқи бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Аксинча, мулкдорга ҳамда оила аъзоларига муайян ҳуқуқлар берилиши билан бир қаторда масъулият белгиланишига ҳам олиб келади. Цивилистикада бу борада чекланган ашёвий ҳуқуқ конструкциялари (узуфрукт, суперфиций, сервитут) кенг доирада қўлланилган ва узоқ давр мобайнида амал қилиб келмоқда. Бундай ҳуқуқий конструкциялар Европа мамлакатлари фуқаролик қонунчилигида ҳам белгиланганлиги бу борадаги ҳуқуқий нормаларни таққослаш, таҳлил қилиш, қўлланишига доир тадқиқотларни янада долзарб қилиб кўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир соҳа қонунчилиги ўзи тартибга соладиган муносабатлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “оила аъзолари” доирасини аниқлашга ҳаракат қилиши кузатилади. Бу ҳолатга нисбатан салбий нуқтаи назар билдириш ярамайди. Чунки, ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солувчи норма мазкур муносабатлар хусусиятидан келиб чиқиб, субъектларнинг мулк ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Уй-жой кодексининг 32-моддаси оила аъзоларининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини назарда тутди. Шундай бўлсада, “оила аъзоси” доирасини белгилашда устуворлик презумпцияси айнан оила қонунчилигида бўлиши лозим.

“Оила аъзоси” тушунчасининг берилиши ҳамда оила аъзолари доирасига кимлар киритилишига аниқлик киритиш муҳим. Бу борада оммавий-ҳуқуқий соҳалардаги ёндашув (жиноят қонунчилиги) ҳамда хусусий ҳуқуқий соҳадаги ўзига хосликлар (уй-жой, оила қонунчилиги) инобатга олиниши ҳамда у ёки бу ҳуқуқий муносабат ўзининг предмети доирасига кирувчи хусусий ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасининг устуворлиги принципи белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муаллифлар жамоаси. Уй-жой кодексига шарҳлар. Т.: ТДҲОИ, 2007. 115-б.
2. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. И. М. Кузнецова. М., 1996. С. 10.
3. Шершень Т.В. В год семьи о понятии семьи в современном российском праве // Семейное и жилищное право. 2008. № 5.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги 924-ХII-сонли Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда.

ЭКСПЕРТИЗА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Экспертиза – кенг маънодаги маълум бир соҳада махсус билимлардан фойдаланиш шакли ҳисобланади. Суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Криминалистик экспертиза – фақатгина жиноятни очиш ва тергов қилиш учун қўлланиладиган экспертизаларни қамраб олади. Улар жумласига трасологик, баллистик, хатшунослик, сиёсий лингвистик, фонографик ва бошқа экспертизаларни киритиш мумкин.

Р.Алимова “экспертиза процессуал қонун асосида суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан тайинланиб, махсус билимларга эга шахс – эксперт томонидан ўтказилган текширув бўлиб, унинг натижасида алоҳида процессуал ҳужжати – эксперт хулосасида расмийлаштирилади” деб ёзади. Муаллифнинг ушбу таърифида махсус билим объекти ҳақида ёзилмаган, яъни ҳуқуқий соҳадаги билим ҳам махсус билим ҳисобланади, ҳолбуки мазкур билимларнинг мавжудлиги шахсни (жумладан, терговчи ёки судьяни) эксперт сифатида фаолият юритишига имконият бермайди.

Н.М.Қўшаев ва Ш.Ф.Файзиевлар хулосасига кўра, “тергов қилишда ва суд муҳокамасида жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун фан-техника, санъат ёки хунар-мандчиликка доир махсус билимлар зарур бўлади, шундай билимларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларда бўлиши экспертиза тайинлаш заруриятини йўқ қилмайди”. Бу ўринда тадқиқотчилар экспертизанинг энг зарурий шартларидан – экспертиза тайинловчи шахс ҳамда тадқиқот натижаси сифатида эксперт хулосаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмаганлар.

Деярли барча адабиётларда экспертиза жиноят ишларини очишда жуда катта натижа берувчи исботлаш воситаси, айрим ҳолларда эса ҳақиқатни аниқлашдаги ягона далилларни тўплаш усули сифатида баҳоланади. Ушбу ҳолатни, бизнингча, қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, экспертизанинг ҳуқуқий табиати, яъни фактлар ҳақида маълумотларни олишга сабаб бўлувчи объектив усул эканлиги; иккинчидан, янги илмий-техник ютуқларнинг мунтазам тараққий этиб бориши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экспертиза институтига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: экспертиза – терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг, судьянинг тегишли процессуал ҳужжати (қарор, ажрим) асосан тайинланадиган, муҳим фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида махсус билимлардан фойдаланиб ўтказиладиган процессуал-тергов ҳаракатидир.

Амалий нуқтаи назар билан баҳо берсак, экспертизанинг белгиларини аниқлашда экспертга мурожаат

қилган органнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиш, унга экспертиза нима учун кераклиги ва унинг қайси ҳолатларини очиб беришга қаратилганлигини аниқлаш лозим. Мазкур белгиларга, бизнингча, предмет, объект ва усулни киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда ушбу тушунчаларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Амалда экспертиза услубиёти деб номланган махсус илмий асосланган усуллар тизими яратилган бўлиб, у эксперт олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб мантиқий кетма-кетликда қўлланилади. Е.Р.Россинская экспертиза тадқиқоти усуллари деганда “билмасликдан билишга қараб қилинган ҳаракат йўли, ҳаракат мақсадига эришиш, назарий предметни англаш тушунилади” деса, Л.В.Кудрявцева “амалий ҳаракатлар тизими ва экспертиза вазифаларини амалий ҳал қилиш йўлидаги ҳаракатлар тушунилади” деб ёзади. Фикримизча, бу икки тушунча ҳам мавҳум бўлиб, экспертиза тадқиқоти усули – бу муайян кетма-кетликда танлаб қўлланиладиган экспертиза мақсадига эришиш йўлидаги тегишли йўл-йўриқлар тизими ҳисобланади.

Яна бир ҳолат шуки, қонунчиликда эксперт олдида ҳуқуқий масалалар юзасидан ҳам хулоса бериш учун саволлар берилиши мумкинми деган масала ёритилмаган. Баъзи олимлар эксперт олдида махсус билимлар қаторида ҳуқуқий саволлар қўйиши мумкин деса, айримлар йўқ эксперт махсус билимлар доирасидан четга чиқмаслиги керак деб ҳисоблашади. В.И.Громов фикрига кўра, эксперт далилларни баҳолашда ишнинг ҳуқуқий томонларига ёндошмаслиги керак, лекин амалиётда терговчилар, судьялар ҳуқуқий масалаларда махсус билимга эга бўлган ҳуқуқшунос олимларга мурожаат қилиш ҳолатлари учраб туради. Ушбу ҳолатда ҳуқуқшунос эксперт сифатида жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари, ижтимоий хавfli қилмишнинг оқибатлари, содир этилган қилмишни квалификация қилиш борасида ўз хулосасини бериши мумкин ҳисобланади. Биз ҳам юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айрим очишлиш мураккаб бўлган жиноятчилар яъни давомли одам ўлдириш жиноятини содир этувчи шахслар (маняклар) борасида шу тоифадаги шахслар ҳатти-ҳаракатларини ўрганган ва ўзига хос томонларини аниқлай оладиган ҳуқуқшуносларга мурожаат қилиш ва уларни ишга эксперт сифатида жалб қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Дилмурод ЎРАЗМАТОВ,

ТДЮУ магистри, фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро суди девонхона мудири



Зафар БАБАКУЛОВ,
юридик фанлар
бўйича фалсафа
доктори (Ph.D).

АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИДА ТОВАР БЕЛГИСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

АҚШ дунёда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда унинг амалда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилувчи ягона давлат ҳисобланади. АҚШда товар белгилари муносабатлари федерал даражадаги қонунчилик, ҳам суд прецеденти, ҳам алоҳида штатларда қабул қилинган қонунлар асосида тартибга солинади. Мақолада АҚШда товар белгиларидан фойдаланилмаслиги натижасида ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилишнинг айрим ўзига хос жиҳатлари Лэнхем қонуни ва суд прецедентлари асосида таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: АҚШ, Лэнхем қонуни (*Lanham (Trademark) Act.*), Париж конвенцияси, товар белгиси, манфаатдор шахс, Асосий ва Қўшимча реестр, LYON, ҳуқуқ эгаси.

АҚШ дунёда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишдан олдин унинг амалда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилувчи ягона давлат ҳисобланади¹. АҚШ қонунчилигига мувофиқ товар белгисидан фойдаланган деб ҳисобланиши учун ундан амалда реал товар ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва савдога чиқарилиши лозим².

АҚШда 1989 йил 16 ноябрдан бошлаб товар белгиларини рўйхатга олиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш Лэнхэм (*Lanham (Trademark) Act.*) (15 U.S.C.) қонуни асосида амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу қонунга асосан рўйхатга олинган товар белгиларига нисбатан ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилгандан бошлаб ўн йил давомида амал қилади (Лэнхем қонуни 1058-модда). Товар белгисига бўлган ҳуқуқни навбатдаги ўн йиллик муддатга узайтиришда ҳуқуқ эгаси ундан амалда товар ишлаб чиқаришда фойдаланган бўлиши ва ушбу ҳақдаги декларацияни тақдим этиши лозим. Товар белгисидан фойдаланганлик тўғрисидаги декларация товар белгиси ҳар ўн йиллик муддатга узайтириш учун асос бўлувчи ҳужжат ҳисобланади.

Лэнхэм қонунининг 1064(1)-моддасида ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш йил давомида фойдаланмаган бўлса, товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги ис-талган манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Товар белгисини бекор қилиш тўғрисидаги талабни ўз ҳуқуқлари бузилган ёки бузилиши мумкин деб тахмин қилган ҳар қандай шахс томонидан берилади.

АҚШ ички қонунчилиги товар белгисидан фойдаланиш талабининг икки жиҳатига урғу беради. Биринчиси, Лэнхем қонунининг 1051-моддаси 3(С)-қисмига кўра товар белгисидан фойдаланганлиги тўғрисидаги далил уни рўйхатдан ўтказиш босқичида тақдим этилиши лозим³.

АҚШда товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг асосий хусусияти товар белгисига нисбатан ҳуқуқ ундан бозор шартларига кўра фойдаланиш натижасида вужудга келади⁴. Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундан иборатки, товар белгисини қайта рўйхатдан ўтказиш истагини билдирган аризачи товар белгисидан ўзига рақобатчи бўлганлардан олдинроқ фойдаланган бўлса устуворлик санаси шунга мувофиқ белгиланади.

Иккинчиси, Лэнхэм қонунининг 1065(3)-моддасига кўра, товар белгисига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилгандан кейин унинг эгаси томонидан товар белгисига нисбатан назорат амалга оширилганлигини ва ундан амалда фойдаланганлигини тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказилгандан бошлаб беш йил муддат ўтгач товар белгисидан фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотни эълон қилишга мажбур⁵.

АҚШда товар белгиларини Асосий⁶ ва Қўшимча⁷ реестрда рўйхатдан ўтказиш тартиби амал қилади.

Товар белгисини Асосий реестрда рўйхатга олиш, унга нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқлари вужудга келганлигини ва ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, Қўшимча реестрда рўйхатга олишда эса унинг ҳуқуқи муҳофазаси остига олинмаганлигини англатади. Лекин, шунга қарамай товар белгисини Қўшимча реестрда рўйхатга олиш декларатив хусусиятга эга бўлса ҳам товар белгисининг эгасига белгидан фойдаланганлик факти билан рўйхатга олиш; шахснинг белгига нисбатан ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Федерал судга шикоят қилиш; белгини кейинчалик маълум ва машҳур бўлиб кетиши натижасида Асосий реестрга киритиш; Асосий ёки Қўшимча реестрга киритилган товар белгиси билан учинчи шахснинг ушбу белги билан бир хил ёки унга ўхшаш белгиларни рўйхатга олишни рад этилишини талаб қилиш ҳуқуқларини тақдим эта-

ди. Шунингдек, АҚШда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ яна бир ўзига хослик, шахс товар белгисини рўйхатдан ўтказишда унинг ушбу белгидан қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсади кўзланганини аниқ кўрсатиши керак.

Агар белгини рўйхатдан ўтказиш учун топшириш вақтида ушбу товарлар рўйхати кўрсатилмаса биринчидан, берилган талабнома ишлаб чиқарилиши мўлжалланган товар тўғрисида ёлгон маълумот берганлиги оқибатида товар белгиси бекор қилинади; иккинчидан, рўйхатда кўрсатилган товарлар учун фойдаланилмаётган олдинроқ рўйхатга олинган товар белгиси учинчи шахс томонидан рўйхатдан ўтказиш учун берилган белги билан бир хиллиги оқибатида рўйхатдан ўтказиш рад этилишига олиб келади.

АҚШда товар белгисини рўйхатдан ўтказишда ундан амалда фойдаланганлик (use in commerce) (Лэнхэм қонуни 1051(3-С)-модда); фойдаланиш истагининг мавжудлиги (intent to use) (Лэнхэм қонуни 1025-модда); бошқа давлатда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги маълумот асосида (registration of a mark in a foreign applicant's country of origin) (Лэнхэм қонуни 1026-модда); белгини бошқа давлатда рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берганлиги тўғрисидаги маълумот (claim of priority, based upon an earlier-filed foreign application) (Лэнхэм қонуни 1026(4)-модда) тақдим қилиниши керак. Мазкур асослардан келиб чиққан ҳолда АҚШда товар белгиси учун талабнома топширишда белгининг тегишли давлатда рўйхатдан ўтказилганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилганлиги асос бўлади. Лекин бошқа давлатда рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берганлиги билан биргаликда ундан товар ишлаб чиқаришда фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этиш керак.

АҚШнинг Товар белгилари ва патентлар бўйича Бюроси 2012 йилдан бошлаб тажриба дастури доирасида товар белгиси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг⁸ ундан фойдаланганлик вақтидан қатъи назар, ҳаттоки, товар белгиси рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб беш йиллик муддат тугамасдан туриб ҳам товар белгисидан фойдаланганлиги ёки қонуний фойдаланмасликни тасдиқловчи ҳар қандай маълумотни, далилни, декларацияни талаб қилиб олиш ҳуқуқини амалга оширишни йўлга қўйди.

Мазкур тизимни йўлга қўйишдан асосий мақсад фойдаланилмаётган товар белгилари назоратини олиб бориш, бошқа шахсларга бир хил ва ўхшашлик даражасида бўлган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун қонуний асосларни таъминлашдан иборатдир. Яратилган назорат тизимининг энг муҳим жиҳати товар белгиси ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлик касб этганлиги учун унинг эгасига ўзи эгаллаб турган товар белгисидан фойдаланишини мажбурий талаб қилиб қўйди. Ваколатли дав-

лат органи бирон бир товар белгисини рўйхатдан ўтказилганлигини манфаатдор шахсининг талаби билан бекор қилиш масаласини кўриб чиқаётганда тизимда ушбу товар белгиси тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида фойдаланганлик ёки фойдаланмаганлик масаласи осонлик билан аниқланади ва шунга мувофиқ манфаатдор шахсининг талаблари қондирилади ёки аксинча рад этилади.

Лэнхэм қонунининг 1065-моддасига мувофиқ, товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақиқий саналиши учун, ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб беш ва олти йиллик муддат ораллигида ва ҳар бир кейинги ўн йиллик давр охирида товар белгисидан бир неча штатда тижорат фаолиятида фойдаланганлигини тасдиқловчи декларация ва маълумотни АҚШ Товар белгилари ва патентлар бўйича Бюросига тақдим этиб бориши лозим.

Ҳуқуқ эгаси узоқ вақт давомида товар белгисидан фойдаланмаганлигига йўл қўйган ҳолатларда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги янги ариза билан АҚШ Товар белгилари ва патентлар бўйича Бюросига мурожаат қилиш мумкин. Лэнхэм қонунига кўра, мазкур аризачининг устуворлиги, аввало унга тегишли товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бошқа товар белгисидан учинчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланаётганлиги билан солиштирилган ҳолда нисбатан эртароқ устуворлик санаси белгиланиши мумкин⁹.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қўшма Штатлар суд амалиётида товар белгисидан қонуний фойдаланмаслик ёки фойдаланишни вақтинчалик тўхтатганлик ўз-ўзидан товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг тугатилишига олиб келмайди¹⁰. АҚШ суди "Skippy Inc" иши бўйича "Скиппи" персонажи тасвири жамоатчилик орасида кенг оммалашганлиги сабаб ундан ҳуқуқ эгаси 23 йил давомида фойдаланмаган бўлса ҳам товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилинганлигини бекор қилишни лозим деб топмади. Суд ушбу қарорни қабул қилишига ҳуқуқ эгаси бир неча маротаба тез-тез ушбу товар белгисини муомалага киритиш борасида тўхтамга келиб турганлигини асос қилиб кўрсатди¹¹.

АҚШнинг бошқа бир суди томонидан кўрилган низоли иш мазмунига кўра, суд Health & Sun Research, Inc. v. Australian Gold, LLC¹² томонидан "Royal Flush" товар белгисидан 3 йилдан ортиқ фойдаланилмаганлик факти жамоатчилик ўртасида ҳеч қандай тушунмовчиликларни олиб келмайди деб топади. Суд ушбу ҳолатда ҳуқуқ эгаси томонидан "Royal Flush" товар белгиси остида уч йил давомида савдо-сотикни амалга оширмаганлиги унинг товар бозоридаги ўрни тугади деган маънони келтириб чиқармайди. Суд мазкур низо бўйича қабул қилган қароридан товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишни рад этиш асослари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади:

➡ Health & Sun Research, Inc. томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилаётган товарлар узок муддат давомида истеъмолга яроқли бўлганлиги;

➡ сотувчилар товар бозорида маҳсулотни савдога бўлиб-бўлиб киритиш учун улгуржи сотиб олинганлиги ва товарлар уч йил ўтса ҳам бозорда сотилаётганлиги.

АҚШ қонунчилиги товар белгисидан фойдаланмаслиги натижасида ҳуқуқий ҳимоя қилишни бекор қилиш учун асос бўлмайдиган ҳолатлар сифатида куйидагиларни белгилаб ўтади:

👉 ҳуқуқ эгаси товар белгисидан фойдаланишни тўхтатиш ниятида бўлмайди (Лэнхэм қонуни 1279-модда). Мазкур қондан асословчи ҳолатларга товар белгисидан охириги марта савдода фойдаланганлик вақтининг аниқ эканлиги; ёки ҳуқуқ эгаси товар белгисидан фойдаланишни қайта йўлга қўйишни режалаштираётганлиги тўғрисидаги маълумотнинг борлиги; товар белгисидан қайта фойдаланиш учун аниқ чоралар кўрилганлиги бўйича маълумотларнинг мавжудлиги;

👉 ҳуқуқ эгаси товар белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслигининг сабаби шундан иборатки, бунда ҳуқуқ эгаси айрим ташқи омилларга ўз таъсирини ўтказиш имконига эга бўлмайди ва бунинг оқибатида товар белгисидан фойдаланмасликка сабаб бўлган ҳолатлар учун ҳам жавоб бермайди. Масалан, банкротлик тўғрисидаги низоли иш кўрилатганлиги муносабати билан савдо муносабатларида товар белгисидан вақтинча фойдаланмаслик товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилиш учун асос бўлмайди (Merry Hull & Co. v. Hi-Line Co., 1965)¹³. Шунингдек, корхонани сотиш, фавқулодда ҳолатлар, эпидемиянинг тарқалиши, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, фаолият турини ўзгартириш каби товар белгисидан фойдаланмаслик ҳолатларини ҳам АҚШ товар белгилари ва патентлар бўйича Бюроси узрли деб топиши мумкин¹⁴.

АҚШ Лэнхэм қонунининг 1064-моддасига кўра, ҳуқуқ эгаси ўз товар белгисидан фойдаланмаганлиги сабаб ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан ҳар қандай шахс куйидаги талабларни асослантирган ҳолда мурожаат қилиши мумкин: 1) ушбу шахс ўзига зарар етишини тахмин қилади ёки 2) тегишли асосларга (reasonable basis) таяниб ўзига зарар етиши мумкинлигига ишонади (Ritchie v. Simpson, 1999¹⁵) 3) товар белгисидан амалда фойдаланишга (Lipton Indus., Inc. v. Ralston Purina Co., 1982¹⁶) нисбатан аниқ мақсадни (real interest) кўяди ва 4) белгиланган давлат божини тўлайди. Мазкур асосларнинг иккинчи ва учинчи қисмлари суд прецеденти кўринишида мавжуд бўлиб, Лэнхэм қонунининг 1064-моддасида назарда тутилмаган.

Товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни муддатидан олдин бекор қилиш шартлари агар товар белгилари қонунчилигида кўрсатилмаган бўлса, мавжуд низоли ҳолат суд прецедентига кўра ҳал этилади.

АҚШ судларида товар белгиси билан боғлиқ кўрилатган ҳар бир низоли масала бир биридан фарқ қилади. Шунга кўра уларнинг ечими ҳам мавжуд қонунчиликда белгиланмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин, АҚШнинг Лэнхэм қонуни ва суд амалиётида белгиланган ўзаро мувофиқ қоидага кўра, товар белгисидан фойдаланмаганлигини исботлаш мажбурияти ушбу асосни тақдим этаётган шахс зиммасига юклатилади (Advance Magazine Publishers Inc. v. Leach, 2006¹⁷). Исботлаш предметига товар белгисидан амалда фойдаланмаганлик факти ва ҳуқуқ эгасида яқин келажакда товар белгисидан фойдаланишни қайта йўлга қўйиш истагининг йўқлиги киради (Emergency One Inc. v. Am. FireEagle, Ltd., 2000¹⁸, Eh Yacht, LLC Egg Harbor, LLC, 2000¹⁹).

Товар белгисини рўйхатдан ўтказилганлигини ва унинг ҳуқуқий муҳофаза қилинганлигини сақлашда нафақат ҳуқуқ эгаси, балки ҳуқуқ эгаси томонидан назорат қилиб турилиш шарти билан учинчи шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳуқуқ эгаси томонидан товар белгисидан фойдаланилаётганлигини назорат қилиб борилиши товар белгилари тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий тамойилларидан бири сифатида тан олинади²⁰. Мазкур тамойил тартибга солиш воситаси сифатида товар белгисидан лицензиат ёки бир компания доирасида бир неча корхоналар томонидан фойдаланилганда пайдо бўлади²¹.

АҚШ суди амалиётида шундай прецедентлар ҳам борки, ҳаттоки товар белгисини лицензия шартномасига кўра тақдим этиш ҳаракати мавжудлигининг ўзи товар белгисидан фойдаланмаслик масаласи кўриб чиқилаётганда ҳуқуқий муҳофаза қилишни бекор қилишда узрли сабаб деб топилшига асос бўлади (Sands, Taylor & Wood Co. v. Quaker Oats Co.)²².

Товар белгисидан савдо муносабатларида фойдаланиш (use in commerce) шарти АҚШ товар белгилари тўғрисидаги қонунлар мажмуининг асосий жиҳати сифатида Лэнхэм қонунининг 1127-моддасида “савдода инсофли фойдаланиш” деб белгиланган²³. Мазкур қоидага кўра товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддатини узайтириш мақсадида товар белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги декларацияни тақдим этишда инсофсизлик ҳолати намоён бўлса, яъни декларацияда товар белгисидан фойдаланилганлик тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилган ҳолда бўлса, товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддатидан олдин бекор қилинади.

Товар белгисига нисбатан лицензияни тақдим этишда ҳуқуқ эгасининг ҳаракатлари инсофлилик доирасида бўлиши лозим. Товар белгисидан фойдаланмаслик масаласини текширишда, бошқа ҳолатлар қатори ҳуқуқ эгасининг лицензиатни қидиришга қанчалик жиддий ёндашганлигини, хусусан бир неча номзодлар билан музокаралар олиб борганлиги ёки олиб бормаганлиги аниқлаштирилиши лозим²⁴.

Агар, ишнинг мазмунига кўра товар белгисидан фойдаланиш ҳолатларини назорат қилиш лицензиатга тақдим этилганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сифатининг ёмонлашмаганлиги ва истеъмолчиларнинг товар белгиси билан боғлиқ янглишишга дуч келмаганлигидан келиб чиқиб суд “инсофлилик” тамойилига таянган ҳолда ҳуқуқ эгаси томонидан назорат амалга оширилганлигини исботлашни талаб қилмайди²⁵.

Товар белгиларини унинг эгаси томонидан фойдаланилмаганлиги сабабли муддатидан олдин бекор қилиш борасида АҚШ қонунчилиги ва суд амалиёти ўрганилиши натижасида турли илмий ва амалий хулосаларга келинди.

Таъкидлаш лозимки, товар белгилари соҳасида АҚШ қонунчилиги нисбатан аниқ ва айни вақтда мулоҳазали масалаларни ўртага қўяди. Ушбу тушунарсизлик аввало товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш ва ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқларини муддатидан олдин бекор қилинишидан сақлаш бўйича келтирган асослари билан боғлиқдир.

АҚШ Лэнхэм қонунининг 1064(1)-моддасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш йил давомида фойдаланмаган бўлса товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилиниши белгиланган. Лекин, АҚШ суди “Skipry Inc” иши бўйича “Скиппи” персонажи тасвири жамоатчилик орасида кенг омалашганлиги сабаб ундан 23 йил фойдаланмаган бўлса ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинганлигини бекор қилишни лозим деб топган. Мазкур ҳолатлардан кўришимиз мумкинки, АҚШ товар белгиларига оид қонун талаблари ва суд қарорлари бир-бири билан ўзаро мувофиқ келмайди. Ёки бўлмаса, юқорида таҳлил қилинган “Skipry Inc” иши бўйича биргина товар белгиси эгасининг келажақда товар белгисидан фойдаланиш хоҳиши борлигининг ўзи товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш мумкин эмаслигига асос бўлди.

АҚШ товар белгиларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишда ижобий ютуқ сифатида АҚШ Товар белгилари ва патентлар бўйича Бюроси томонидан товар белгиларидан фойдаланганлик ҳолати тўғрисидаги декларацияни талаб қилиб боришни алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур тизимга кўра, ҳуқуқ эгасига товар белгисидан фойдаланиш ва бу ҳақдаги маълумотни Бюрога тақдим этиб бориши лозим. Ва бу юқорида таъкидланганидек, товар белгисини навбатдаги ҳамда ҳар ўн йиллик муддатга узайтириб бориш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон товар белгилари қонунчилигида эса ушбу тизим мавжуд эмас. Ўзбекистонда товар белгиларидан фойдаланганлик факти 2001 йил 30 августдаги **“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қону-

нининг 27-моддаси 2-қисмига кўра белгиланади. Яъни, товар белгиси реклама қилинганлик факти ундан фойдаланганлик ҳолатини келтириб чиқаради. Бу ўринда сўз товар ишлаб чиқариш ва уни реклама қилиш тўғрисида эмас, балки фақатгина реклама қилиш тўғрисида бормоқда.

Шу сабабли ҳам АҚШ тажрибасини Ўзбекистон товар белгилари қонунчилигида қўллаш таклиф этилади. Бунда товар белгисига нисбатан ҳуқуқий муҳофазани навбатдаги ҳамда ҳар ўн йиллик муддатга узайтиришда ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланганлик тўғрисидаги декларацияси асосида амалга оширилиши лозим. Ушбу мажбурий тизимни нафақат товар белгисига бўлган муддатни узайтириш жараёнида қўллаш кераклиги, балки ваколатли органнинг талаби билан рўйхатдан ўтказилгандан бошлаб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. § 1 (c) “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
2. § 45 “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
3. 5 U.S.C. § 1051: US Code // <http://codes.lp.fndlaw.com/uscode/15/22/1/1051>.
4. Estate of Coll-Monge v. Inner Peace Movement, 2009, 524 F.3d at 1341.
5. 15 U.S.C. §1065: US Code // <http://codes.lp.fndlaw.com/uscode/15/22/1/1065>
6. El Creco Leather Prod. Co. v. Shoe World, Inc., 1986 (806 F.2d 392, 395; 1 USPQ2d 1016,1017); Gorenstein Enters., Inc. v. Quality Care-USA, Inc., 1989, 874 F.2d 431, 435.
7. Title I “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
8. Title II “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
9. Federal Register: Changes in Requirements for Specimens and for Affidavits or Declarations of Continued Use or Excusable Nonuse in Trademark Cases // DataStream Content Solutions, LLC. — May 22, 2012. http://www2.dscs.com/products-services/ips; http://go.galegroup.com/pitt/idm.oclc.org/ps/i.do?action=interpret&id=GALE%7CA290407144&v=2.1&u=pitt_main&it=r&p=AONE&sw=w&authCount=1.
10. Ruder D.S. New strategies for Owners of Discontinued Brands // Northwestern Journal of Technology and Intellectual Property. — Fall, 2004. — 3. — Pp. 61—79, p. 78.
11. Lorillard, 1927, 273 U.S. 629, 632, 71 L. Ed. 810, 47 S. Ct. 481.
12. Skipry Inc. v. CPC Int'l. Inc., 674 F.2d 209 (4th Cir.), cert. denied, 459 U.S. 969 (1982).
13. Health & Sun Research, Inc. v. Australian Gold, LLC, 2013 BL 316525, M.D. Fla., No. 8:12-cv-02319-VMC-MAP, 11/14/13.
14. 243 F. Supp 45, 146 USPQ 274.
15. Karen A.A., Bret J.D. Excusable non-use of a trade mark // Managing Intellectual property. — Nov 2007, Issue 174. P. 5.
16. 170 F.3d 1092, 1095.
17. 670 F.2d 1024, 1028.
18. 466 F. Supp 2d 628.
19. 228 F3d 531, 56 USPQ2d 1343.
20. 84 F Supp 2d 556, 53 USPQ 1640.
21. Nitro Leisure Prod. LLC v. Acushnet Co, 2002, 341 F.3d 1356.
22. Schmidt-Szalewski J. The international protection of trademarks after the TRIPS agreement // Duke Journal of Comparative and International Law. — 1998. — Vol. 9. P. 189—212. P. 210; Trade related aspects of intellectual property rights: a concise guide to the TRIPS agreement / by Michael Blakeney. — London: Sweet & Maxwell, 1996, 223 p. P. 57.
23. 978 F.2d 947, 956.
24. 15 U.S.C. § 1127: US Code // <http://codes.lp.fndlaw.com/uscode/15/22/1/1127>.
25. Ruder, D.S. New strategies for owners of discontinued brands // Nw. J. Tech. & Intell. Prop. - 2004. - 3. - P. 61.
26. Calboli, I. What if, after all, trademarks were “traded in gross”? // 2008 Mich. St. L. Rev., p. 345.

ҚАЛБИ ЯХШИЛИККА ТЎЛА ИНСОН



Эзгу амалларни канда қилмаган, олийжаноб инсон, тажрибали ҳуқуқшунос Аҳмад Ҳусейнов кўп йиллардан буён судьялик лавозимида фаолият юритмоқда. У киши меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани судининг хат ташувчиси лавозимидан бошлаб, кейинчалик Самарқанд шаҳар Сиёб тумани ва Самарқанд шаҳар судининг судьяси, Ургут тумани ҳамда жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судининг раиси даражасига кўтарилди. Камтар, самимий ва қалби яхшиликка тўла бу инсон доим эл-юрт манфаати учун ҳаракат қилиб келганлигини жуда кўплаб ҳамкасблари эътироф этишади. Бугун Аҳмад Ҳусейнов муборак 60 ёшни қаршилади.

Инсон дунёга келар экан, ҳазрат Навоий айтганидек, комилликка интилиши, ўз атрофидаги инсонлар таъсирида, устозлар кўмагида камолот пиллаояларидан кўтарилмоғи лозим. Аҳмад Ҳусейнов ҳам устозлари Алишер Мардиев, Зоир Алиев ва Абдил Тўхташевлар кўмагида маънан бойиб, тажрибасини орттириб йиллар давомида ҳаётини гўзал ва файзли қилиб борди. Бутун ҳаёти давомида юрт меҳри, ишга садоқат, меҳнатсеварлик ҳақида шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатиб, уларнинг юракларига она диёр қиммати нақадар улуғ эканини ўз иши орқали сингдирди.

Толибжон БОЙЗАКОВ, Самарқанд вилоят суди раиси ўринбосари:

— Устоз Аҳмад Ҳусейновни Самарқанддаги кўпчилик судьялар ўзларининг устози, деб билишади. Бу кишининг меҳр мурувватидан баҳраманд бўлганларнинг эҳтироми алоҳида эътиборга молик. Аҳмад Ҳусейнов мамлакатимизда юридик фан ва амалиёт ривожига улкан ҳисса қўшган, катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган ҳуқуқшунос сифатида танилган. Аҳмад Ҳусейновнинг дўстлари ва шогирдлари қалбидаги ёруғ хотиралар – ўзи алоҳида олам. Улар қоғозга тушса, ибрат ва ўрناк кўзгусига айланиши тайин. Устозга шогирд бўлиш бахти менга ҳам насиб этганидан мамнунман.

Тасодифан у кишининг хонадонига бориб қолсак, китоб мутолааси ёки суд ишларини ўрганиб ўтиришларининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз. Устоз ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, ўз устида тинмай изланишлари, ёшларга нисбатан хайрихоҳлик, меҳрибонлиги, ҳар қадамда қўллашга уринишлари сингари судья ва инсонга хос ажойиб фазилатлари билан ажралиб турар, у кишининг бу хислатлари шогирдларига ўрнак ва ёрқин намуна бўлади. Суҳбат жараёнида устоз бугунги кундаги илмга берилган эътибор, машаққатли кунлар, у даврлардаги бошидан ўтказган кечинмалари, ҳуқуқшунослик соҳасининг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш истиқболлари ҳақида сўзлаб берар, суд ишида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни эринмасдан тунтириб беради.

Нодиржон РАЖАБОВ, шогирди:

— Байрам ёки туғилган кунларида дўстлари, шогирдлари, яқинлари, ҳамкасблари устознинг ҳаётий ўғитларини мароқ билан тинглашади, ҳазил-мутойибалари кўтаринки кайфият бағишлайди. У киши билан ўтказган ҳар бир суҳбат кишининг руҳиятини кўтаришга хизмат қилади. Шахсан менда илмий ишдан ташқари, оиламдаги

турмуш шароитимга, қийинчиликларга эътибор қаратишлари, фарзандларимнинг таълим-тарбиясида, меҳнат фаолиятимда дуч келаётган масалалар билан яқиндан қизиқишлари, ўз маслаҳатларини беришлари, ҳатто ёш оила бўлган пайтда шахсий муаммоларни ҳал этишга кўрсатган амалий кўмаклари ёдимдан чиқмайди.

Жаҳонгир ҒАЙБУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди судьяси:

— Устоз билан бир қанча масалаларни биргаликда муҳокама қилганмиз. Уларнинг билдирган фикрлари келгусидаги кўрган суд ишларимда, шогирдларимнинг касб малакасини ошириш бўйича мўлжални тўғри олишда бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ижтимоий ҳаётда шахс сифатида вояга етишимда, муносиб ўрин эгаллашимда устознинг ўғитлари пойдевор вазифасини ўтади ва бугунги кунда ҳам ўтаб келмоқда.

Дунё ҳамиша эзгу ниятли одамлар, буюк ишларга қодир салоҳиятли инсонларнинг ва атоқли олимларнинг борлиги ва фидойилиги билан барқарордир. Ҳадисларда айтилганидек, касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол саводидир. Аҳмад Ҳусейнов ана шундай донишманд инсон. Устоз ҳозиргача ўйлашдан, холис фикрлашдан, одамларга яхшилик қилишдан тўхтамайди. Ёшларга мададкор бўлган, сабр-матонатли, ҳаёт йўли ўрнак бўлган инсонлардан, бундай кишилар эса ҳаётда “устоз” деган юксак мақомга сазовор.

Аҳмад Ҳусейнов ўз шогирдларини илмий жамоатчиликка таништиришда, улар ўртасида бирдамликни ҳосил қилишда бош-қош бўлган, забардаст инсонлардан биридир.

*Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.*

Устоз ҳозиргача илмга садоқат, ижодий шижоат ва изчилликда бизга ўрнак бўлади. Бугунги кунда “Темур тузуклари”, Имом ал-Бухорийнинг ҳадислари, Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” ва “Охират” китобларини мутолаа қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳанузгача тинимсиз изланишда. Судья фаолиятида бу муҳим аҳамият касб этади.

**Судьялар олий мактаби магистранти
Жалолiddин АББОСОВ тайёрлади.**

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР: МОҲИЯТ, ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

Бир қатор давлатлар маъмурий тартиб-таомилларни тушунишда уни кенг маънода, яъни бутун давлат бошқаруви жараёнида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган институт сифатида қараб, қонунлар қабул қилган.



Нодир ХИДИРОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

Бундан ташқари, яна баъзи бир давлатлар борки, улар маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни ҳали қабул қилмаган. Маъмурий тартиб-таомиллар шаклан мавжуд бўлсада, моҳиятан ўзининг асл вазифасини амалга ошира олмаслиги мумкин. Ҳуқуқий асосларни гапиришдан олдин унинг нима сабабдан ишлаши ёки ишламай қотиб қолиши ҳақида фикр билдириш лозим ва бу ҳақида турлича қарашларни илгари суриб, тегишли тартибда таклифлар ишлаб чиқиши ҳам мумкин.

Биринчидан, давлат хизмати ва бошқа соҳаларнинг ривожлантирилиши маъмурий тартиб-таомилларни асл моҳияти намён бўлмаслиги, функцияланмаслигига олиб келмоқда.

Иккинчидан, хорижий давлатлар мутахассислари ёрдамида ўз тилида қонун қабул қилган давлатларда қонунни тўғри тушуниш ва англаш ҳамда унинг имплементациясида жиддий камчилик ва бир қатор қийинчиликлар юзага чиқаётганлиги кўзга ташланади.

Илмий адабиётларда мутахассислар маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари сифатида унинг принципларига алоҳида тўхталишади. Ушбу принциплар ҳамма давлатларда ҳам мавжуд эмас. Мисол учун АҚШ ва Германиянинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларида принциплар алоҳида ўрнатилмаган. Чунки, ушбу принциплар Конституция ва суд амалиётининг ўзида ҳам мавжуд¹. Япония маъмурий тартиб-таомиллари ҳам судлар ҳуқуқнинг умумий принциплари ва ҳуқуқий давлатдан келиб чиқиб маъмурий тартиб-таомилларга суд амалиётида йиллар давомида шаклланган маълум бир принципларни татбиқ этиб боришади. Бу эса судларга маъмурий ишларни кўришда қонунни талқин этиш борасида кенг ваколатлар берилганлигидан келиб чиқишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Нафақат маъмурий тартиб-таомиллар принциплари, балки “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг кўпгина бошқа қоидалари ҳам мамлакатимиз учун янги ҳисобланади. Бу борада рус тилида гарчи бир қанча тадқиқотлар олиб берилган бўлсада, ўзбек тилида маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмун-моҳияти, асосий принциплари ва бошқа қоидалари ҳали ҳуқуқий жиҳатдан илмий тадқиқ этилмаганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Лекин масаланинг бошқа томони шундаки, маъмурий ҳуқуқнинг назарий асосларини ҳар бир давлат ўзи ривожлантириши лозим. Бу унинг маъмурий органлари, суд тизимига чамбарчас боғланган ҳолда такомиллаштирилиб борилади. Шу маънода хорижий давлатларнинг “қолиплари” асосида эмас, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонун нормаларини амалиётимиздан келиб чиқиб ишлаб чиқиши лозим.

“Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонунда ҳозирга қадар мамлакатимиз қонунчилигида келтирилмаган ёки кам учрайдиган бир қатор янги принциплар маъмурий амалиётга жорий этилган. Буларга қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин: мутаносиблик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш принципларидир. Амалга оширилган таҳлиллар жойларда маъмурий қонунчилик нормаларини қўллаш билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаслиги, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегарасининг мавжуд эмаслиги соҳа қонунчилигини чуқур таҳлилдан ўтказишни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳолини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат”², – деб билдирган фикрлари маъмурий қонунчилик асосларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Нематов Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. № 2 (34) 2018, – Б. 63-67.
2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон. 2018 й, 150-151-бетлар.



**Асқар
МАМАРАЙИМОВ,**
Шеробод туман-
лараро иқтисодий
суди раиси

ТАДБИРКОРНИНГ “СНОС” ҚИЛИНГАН МУЛКИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалда бўлган қонун ҳужжатларини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, аксарият ҳолларда ер участкалари ҳамда мол-мулкларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ёки бошқа мақсадларда олиб қўйилиши бўйича асосий ваколатлар туман (шаҳар) ёхуд вилоят ҳокимларига берилганлигини инобатга олган ҳолда ушбу соҳадаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни тақозо қилади.

Ва табиийки, бунда асосий эътибор мулкнинг дахлсизлиги ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш мақсадида ер участкалари ҳамда мол-мулкларнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ёки бошқа мақсадларда олиб қўйилиши бўйича асосий ваколатлар туман (шаҳар) ёхуд вилоят ҳокимларидан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига ўтказилиши лозим бўлади.

Мазкур соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида 2020 йил 23 декабрь куни Президентимиз томонидан “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-656-сонли қонун имзоланди.

Қонун билан Ер кодексининг 37-моддаси матни янги таҳрирда қабул қилиниб, унга кўра, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилиши тартиби белгиланди.

Эътиборли жиҳати, мазкур модданинг иккинчи қисмида ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган ҳолатлар катъий белгилади.

Шунингдек, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек тегишинча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин йўл қўйилиши, ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг бузилишига турар жойлар ва яшаш учун мўл-

жалланмаган иморатлар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда тўлиқ бўшатиб қўйилганидан, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, кўчириш, юридик, жисмоний шахсларни янги жойлашган ери ёки яшаш жойига, шу жумладан вақтинчалик олинган кўчмас мулк объектига кўчириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнг рухсат берилиши тартибининг белгиланиши ҳам мулкдорлар ҳуқуқларининг қонунчиликда акс этган кафолатларидан бири ҳисобланади.

Қолаверса, ўзгартишларда давлат органининг (мансабдор шахснинг) ер участкаси олиб қўйилиши билан боғлиқ қонунга хилоф маъмурий ҳужжати қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қопланиши, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни мураккаб ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокими ёхуд Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олиши шартлиги, бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмаслиги назарда тутилганлиги ҳам фикримизнинг исботи бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, амалиётда корхоналар ва тадбиркорлик субъектларининг мулкларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилишида амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинмаслиги уларнинг мулк ҳуқуқлари бузилишига ҳамда судга мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда.

Фикримизни суд амалиётида кўрилган мисол билан давом эттирсак, Шеробод туманлараро иқтисодий судига даъвогар Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси

Музработ туманидаги “MUZRABOT AVTOGAZ” хусусий корхонаси манфаатида даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Музработ тумани ҳокимлигидан 470 600 000 сўм компенсация тўловларини ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Музработ туманидаги “MUZRABOT AVTOGAZ” хусусий корхонасига тегишли бўлган Музработ тумани Халқобод кўрғони бозор майдонида жойлашган савдо дўкони биноси Музработ тумани ҳокимининг 2019 йил 23 майдаги “Музработ тумани “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳудудидан намунавий турар жой қурилиш ҳамда туман марказидаги қурилиш муддати охирига етказилмаган, шахарсозлик талабларига жавоб бермайдиган нотурар бино-иншоотлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини бузишга (қайта реконструкция қилишга) рухсат бериш тўғрисида”ги Қ-3245-сонли қарорига асосан бузиб ташланган.

Туман ҳокимининг мазкур қарорига асосан, Музработ туман ҳокимлиги ва “MUZRABOT AVTOGAZ” хусусий корхонаси ўртасида 2019 йил 16 декабрь куни тузилган 9-сонли келишув битимида бош режага асосан Бобур кўчасини кенгайтириш ҳамда ободонлаштириш мақсадида ушбу ҳудудда жойлашган “MUZRABOT AVTOGAZ” хусусий корхонасига тегишли 277,43 кв.метр бўлган нотурар жой биносининг бузилиши эвазига 470 600 000 сўм компенсация қарздорлиги 2020 йилнинг февраль ойига қадар қоплаб берилиши кўрсатилган бўлса-да, ушбу маблағлар тадбиркорга тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Суд иқтисодий ишни тўпланган ҳужжатлар асосида ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, тарафлар иштирокида муҳокама қилиб, Музработ туман ҳокимлиги ҳисобидан тадбиркор “MUZRABOT AVTOGAZ” хусусий корхонаси фойдасига 470 600 000 сўм компенсация маблағларини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

“Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш” деб номланган янги 200-2-модда билан тўлдирилиб, унда ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиш, худди шундай ҳуқуқбузарлик олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга кўп бўлмаган миқдорда (кўп бўлмаган миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади) зарар етказилишига олиб келганда, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз



бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Худди шунингдек, юқоридаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси “Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш” деб номланган янги 229-5-модда билан тўлдирилиб, модданинг биринчи қисмида ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, иккинчи қисмида ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, шу ҳаракатлар кўпчилик учун хавфли бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мустақамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳадаги ушбу ислохотлар ер эгалари ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ишончли кафолатини таъминлайди.



Саходулла ШОМИРЗАЕВ,
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти кафедра бошлиғи, божхона хизмати подполковниги

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ СУРИШТИРУВ ОРГАНИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Божхона органлари асосан, 6 турдаги, жами эса 11 турдаги жиноятлар юзасидан суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатларини олиб боришлари мумкин. Аммо, мазкур жиноятларнинг жуда ҳам кам аниқланаётганлиги божхона органларининг жиноятларни суриштирув шаклида тергов қилиш амалиёти сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда, жиноят ишлари юзасидан суриштирув ўтказиш ишларини мунтазам ташкил этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу турдаги жиноятларнинг кам аниқланиши ёки аниқланмаётганлигининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Хусусан, божхона органлари суриштирувга тааллуқли жиноятларнинг асосий қисми жиноий иш кўзғатиш учун маъмурий преюдицияни талаб қилади, яъни шахснинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигига боғлиқ. Ушбу йўналишдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш ҳолларининг камлиги ҳам бир неча омилларга бориб тақалади. Мисол учун, божхона органлари томонидан аниқланган порнографик маҳсулотни олиб кириш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар амалиётда жуда кўп ҳолларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси тартибида тугатилиб келинмоқда, бошқа ҳуқуқбузарликлар эса миллий менталитет ҳамда ҳуқуқий ташвиқот ишлари ортидан фуқаролар томонидан содир этилиши камайиб кетган. Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни эса “мавсумий” деб таърифлаш мумкин.

